O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 21-yanvar, 2009-yil • №4 (610) • 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan • e-mail: hurriyat@mail.ru • www.hurriyat.uz

БЎЛАЖАК ЗОБИТЛАР КАМОЛИ

Бугунги кунда Юртбошимизнинг ғамхўрлиги сабабли ҳарбийларнинг турмуш шароити ҳам тобора яхшиланиб бормоқда. ТАТУ махсус факультетининг курсантлари учун яратилган қулайликлар мисолида бунга яна бир бор амин бўлдик. Бўлажак зобитлар истиқомат қиладиган ётоқхоналар шу қадар шинам ва файзлики, улар ҳашаматли меҳмонхоналардан сира ҳам қолишмайди.

➪ 3-бет

ШУБҲАЛИ ИМЗО, «ТИКО» ВА СУД

Фарғоналик Ғанижон Тўхтасинов машина харид қилаётганида унга қўшиб бир дунё ғалвани сотиб олаётганини билмаган эди, албатта. Мингтешикли рўзғордан тежаб-тергаб янги бўлмаса-да, (1998 йилда ишлаб чиқарилган) тетиккина «Тико» олди. Аммо, уни ёлчитиб миниб улгурмай бир дунё ғурбатга рўбарў келди.

➪ 4-бет

ЖОНИНГДАН АЗИЗРОҚ ЖОН КЎРСАТ МЕНГА

Қушлар уясига хаслар партўшак.
Тоғлар ҳам тошим деб яшайди бешак.
Ватанни севишни ўрганмоқ бўлсанг,
Сенга нигоҳ бўлсин кўз очган куртак.

➪ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **16 январь куни Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**
Мамлакатимиз раҳбари мазкур йиғилишдан мақсад ўтган йил мобайнида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан амалга оширилган ишларни атрофлича таҳлил этишдан иборат эканини таъкидлади.

■ 22—23 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади. Ташриф чоғида Ўзбекистон—Россия ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар муҳокама қилинади. Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

■ **14 январь куни Москва шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссиянинг ўн биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.**
Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Азимов ва Россия ҳукумати раҳбари ўринбосари Сергей Иванов раислигида йиғилиш иштирокчилари Ҳукуматлараро комиссия ўнинчи йиғилиши қарорлари ижросининг боришини кўриб чиқди.
Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон—Россия Ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги ўн иккинчи йиғилишини 2010 йил бошида Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилинди.

■ Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Сингапур Республикасининг С.Ражаратнам номидаги Халқаро тадқиқотлар мактаби, Сингапур сиёсий зўравонлик ва терроризмни ўрганиш маркази билан ҳамкорликда "Терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг замонавий усуллари ва методлари" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

Юртимизга янада файз киradиган бўлди

Кўнглингдаги туйғуларни уйғотиш учун баъзан туртки керак бўлади. Бу туртки гоҳ ақлли гапдан, гоҳ ўзгаларнинг хатти-ҳаракатидан ҳам туғилади. 2009 йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилиниши эса кўнгилдаги мулоҳазаларга катта йўл очгандек бўлди.



"Она Ватан деган улуғ ва муқаддас тушунча одамзот учун гўёки қишлоқ тимсолидан бошланади", — деди Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимда. Дарҳақиқат, халқимизнинг ризқ-рўзи, насибаси, аввало далаларимизда заҳматкаш деҳқонларимиз томонидан етиштирилган маҳсулотлар, озиқ-овқат ва ноз-неъматлар билан ўлчанади. Юртнинг яна ҳам тараққий этиши, обод ва фаровон бўлиши қишлоқларимизга бўлган эътиборнинг янада юксак бўлиши билан боғлиқ экани ҳам тўғри таъкидланди.

Қишлоқларимиз бугунги кунда янгиликлар ва ўзгаришлар оғушида. Одамлар ишбилармонлик ва тадбиркорликка интилиб яшамоқдалар. Янгича номлар, янгича сўзлар пайдо бўлди: Баҳодир фермер, Салим тадбиркор, Ғани ҳунарманд, Гулчеҳра зардўз ва шунга ўхшаш номлар.

Гарчи бу гап такрор-такрор айтилаётган бўлса ҳам қишлоқларнинг энг кўркам жойи бугун мактаб билан коллеж бўлди. Айниқса, улардаги тўла-тўкис шароит қишлоқ одамлари юрагида ғурурни ўстирмоқда. Ғурурли ота-она эса фарзандини ёмон йўллардан қайтариб, юрт учун, эл учун фойдали инсон бўлиб етишишини истайди. Илмли, одобли ва ахлоқли фарзанд билан нафақат ота-она, балки маҳалла ҳам ҳамиша фахрланади. Бир фарзаднинг донғи бугун мамлакатни қувонтирса, ноқобил фарзаднинг чанги бутун элнинг юзини ерга қаратади.

Шунинг учун ҳам мактабнинг тарбиясини олган ўқувчи коллежнинг таълимини юрагига сингдириб, катта ҳаёт йўлига мустақил қадам ташламоқда. Қишлоқ болаларида шундай ажойиб масканларда ўқишнинг шарафли эканини ҳис этиш анча баланд. Улар билимга чанқоқ, интилувчан бўлишади, яратилган шароитлардан унумли фойдаланишга бўлган мақсад тагида эса олам-олам орзулар ётади. Боласининг ўқиб, эл корига ярайдиган инсон бўлишини истаган ота-онанинг нияти ҳам ҳеч қачон тугамаган. Тўнғичидан чиқмаса, кенжасидан чиқишига доимо ишонган.

Бундан йигирма-ўттиз йил илгариги қишлоқларни кўз олдингизга келтирсангиз, бошдан оёқ кезиб чиқсангиз ҳам битта дўкон ёки битта "медпункт" деб аталадиган пастқам биноларга дуч келардингиз, холос. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳукуматимиз яратган шароитларга жавобан қишлоққа шаҳардаги мавжуд барча шароитларни кўчира бошлашди.

Биргина мисол. Ўрта Чирчиқ туманидаги Роватак қишлоғининг тўрт томони дала. Мустақиллик йилларида бу ерда аввал чиройли дўконлар, сўнг ҳар хил маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, тегирмон ва устахоналар очилди. Яқинда эса гузар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу мажмуа ўз ичига чойхона, гўзаллик салони, сартарошхона ва озиқ-овқат дўконини жойлаштирган.

— Бир маҳаллар қишлоғимиз ўртасида катта тут дарахти бўларди. Шунинг тагида оддийгина чойхона бўлиб, излаган одамни шу ердан топардингиз, — дейди 80 ёшли Матқобил бува хотираларини титкилаб. — Кейинчалик шуни ҳам бузиб ташлашди. Аллоҳга шукр, мана бугун янги чойхонанинг чойини ичиб ўтирибмиз. Чойхона қишлоққа жуда керак. Шу ерда ўтириб, яхши-ёмонни муҳокама қиласиз, қишлоқдаги ҳар бир гапдан хабардор бўласиз. Ёшларимиз тарбиясига ҳам жуда зарур.

Илгарилари қишлоқдан шаҳарга кўчиб кетган бирон танишимиз тўйини кафе ёки ресторанда ўтказса, "ҳа, энди бу ишлар шаҳарга ярашади-да" деб қўярдик.

(Давоми 2-бетда)

■ МЕРОС

НОЁБ ХАЗИНАЛАР МАСКАНИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳар йили ярим миллиондан зиёд китобхонлар қатновига эга. Минг афсуски, айрим «китобсевар»лар орасида маънавий бойлигимизга зиён етказаётганлар ҳам йўқ эмас...

Илмий иш билан шуғулланаётган бир дўстим тадқиқот мавзусига доир маълумотларни газеталарда эълон қилинган мақолалар орасидан топишда ёрдам сўраб қолди. Рози бўлдим. Биргаликда Марказий Осиёдаги қадимий китоблар, газета-журналлар, турли ҳужжатлар сақланаётган энг йирик зиё маскани — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига бордик. Газета таҳламидан керакли сонни излай бошладик, аммо... сал ўтмай уринишларимиз бекор экани аён бўлди. Чунки биздан олдин бу ерга қадам ранжида қилган "илм изловчи"лардан бири айни ўша сондаги саҳифани аллақачон "юлиб" кетибди...

Аждодларимиз ёзиб қолдирган битиклар биз учун тенгсиз хазина, олтин мерос саналади. Уларнинг ҳар бир саҳифаси устида қанчадан-қанча тадқиқотчиларимиз изланишаяпти, ҳижжалаб ўрганишаяпти. Уларнинг сидқидилдан олиб борган саъй-ҳаракатлари боис боболаримизнинг беқиёс тафаккури, турмуш тарзи ва фаолияти билан танишиб бораяпмиз. Қолаверса, бу ноёб дурдоналар биздан кейинги авлод учун ҳам жуда катта хазинадир. Табиийки, бугун чоп этилаётган нашрлар ҳам бир кун келиб келажак ворисларимизнинг ноёб бойлигига айланиши турган гап. Ҳар бир халқнинг ўзлигини намоён этувчи миллий қадриятлари бўлади. Шундан келиб чиқсак, ҳар қандай давлатнинг Миллий кутубхонаси ҳам унинг бебаҳо бойлигидир.

Статистик маълумотларга кўра, айни пайтда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондида 10 млн. нусхада ҳужжатлар мавжуд. Шундан 3 млн.дан ортиғи миллий матбуот тўплами, 2 млн.га яқини эса илмий-техник адабиётлар. Фонд ҳар йили 15-20 минг нусхадаги турли нашрлар билан бойитиб борилади. Бу ерга бир йиллик китобхонлар қатнови эса 500 мингдан ортиқ бўлиб, китоб билан таъминланиш даражаси 1 млн. 700 мингдан ортади.

3 »

■ ДУНЁ СИЁСАТИ

Вақт ўз баҳосини беради

Куни кеча Оқ уйда Барак Обама президентликни қабул қилиб олди. Шу муносабат билан Вашингтонда катта тантаналар бўлиб ўтди. АҚШнинг 44-президенти мамлакати, халқи учун хизмат қилишга қасамёд қилди. Қасамёд қабул қилиш маросими дунёнинг кўплаб мамлакатларида тўғридан-тўғри кўрсатилди.

Матбуот хабарларига қараганда, кейинги кунларда барча йўллар Вашингтонга олиб келган. Қасамёд маросимини кузатиш учун мамлакат пойтахтига салкам икки миллион нафарга яқин одам йиғилган. Албатта, бу маълумотлар нотўғри бўлиши ҳам мумкин. Лекин Вашингтоннинг ўзидаги ва атрофдаги барча меҳмонхоналар бундан бир неча кун бурун банд бўлгани — бор гап. Меҳмонхоналар нархи бир неча баравар ошиб кетгани ҳам ҳақиқат.

Америкаликлар Барак Обамага умид қилишмоқда. Обама мамлакатни иқтисодий инқироздан олиб чиқади, деган орзу билан яшаяпти улар. Америкаликлар АҚШ обрўсининг тўкилишига олиб келган Ироқдаги ва Афғонистондаги урушлар тўхташига умид боғлашаяпти.

5 »

■ ҲУҚУҚ

Раҳбари билан судлашди

Лола Бўронова раҳбар ҳузурига қатнайвериб, роса чарчади. Беҳисоб изтироблар, асабнинг зўриқиши... Боз устига ҳомиладор бўлса. Охири у ноиложликдан фуқаролик ишлари бўйича Бухоро шаҳар судига мурожаат қилиб, ўз раҳбари билан судлашди

Аслида воқеа шундай бўлганди. Лола Бўронова 2007 йилнинг май ойида 5-сон "Нефтгазтаъминот" масъулияти чекланган жамиятига ишга кирмоқчи бўлиб боради. Корхонада узоқ йиллардан буён раҳбарлик қилиб келаётган Ҳ.Абулов эса Лолага ҳам ўз "тактика"сини қўллайди — ишга қабул қилиш ҳамда ишдан озод қилиш тўғрисида бир йўла иккита ариза ёздириб олади. Мақсад ходимани хоҳлаган пайтда вазифасидан четлатиш ҳуқуқига эга бўлиш эди. Ишли бўлаётган Лола эса хурсандчилигидан ҳар иккала аризани ҳам ёзиб, кадрлар бўлимига тақдим этади.

Шундай қилиб, Лола Бўронова 2007 йилнинг июнь ойидан "Зеварда" массивидаги ошхонада ёрдамчи ошпаз бўлиб ишлай бошлади. Аммо иссиқ жон. Куз фасли, аниқроғи октябрь ойининг 10-санасида у ўзини ёмон ҳис қилади. Шифокорларга учрашганда, унинг тўққиз ҳафталик ҳомиладорлиги маълум бўлади. Лола Бўронова "ҳомила тушиш хавфи" ташхиси билан амбулатор шароитда даволанди. Касаллик варақалари тақдим қилинган бўлса-да, раҳбарият буни инобатга олмай, Л.Бўроновани ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқ чиқаради. Кадрлар бўлими мутахассиси Е.Мергенова аввалдан ёздириб олинган ишдан бўшаш тўғрисидаги аризага "2007 йилнинг 31 октябридан" деб қўшиб қўяди. Қизиғи шундаки, суд жараёнида Е.Мергенова нафақат Л.Бўроновадан, балки бошқа ходимлардан ҳам шу мазмундаги аризалар ёздириб олинганини тан олди.

Яна бир жиҳати шундаки, Л.Бўронова билан меҳнат шартномаси 2007 йилнинг 1 майидан 2007 йилнинг 1 августига қадар тузилган, бироқ ходимани ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда унинг муайян вақтга қабул қилинаётгани кўрсатилмаган ва у 2007 йилнинг 31 октябрига қадар меҳнат қилиб келган. Бундай ҳолатда эса меҳнат шартномаси номуайян муддатга тузилган, деб ҳисобланади.

2 »

Юртимизга янада файз киradиган бўлди

(Бошланиши 1-бетда.)

Энди қишлоқларда ҳам тўйхоналар қурила бошландики, хизмати шаҳардаги ресторанлардан асло қолишмайди.

Бир даврада элликлардан ўтган одам қизиқ гапни айтиб қолди.

— Ўғлим, кўча деворининг бир четидан "Пайнет" очаман, қурилиш материалларидан ёрдам бериб юборинг, дада, — деб қолди. Ҳайрон бўлиб, ўғлим бу "Пайнет" деганинг нимаси, дўконми ё ошхонами, дедим. У кулиб, қўл телефонларининг пул ўтказмалари билан шуғулланаман, бекорчиликдан кўра беш-олти сўм тушади, деди. Э, шуям иш бўлди-ю деб қайириб ташламоқчи эдим, боланинг сазаси ўлмасин деб ўн кун деганда кичкина дўкон очдик. Ҳозир ўғлим ишдан келиб дўконда икки соат ўтиради, газ билан электр ҳақини тўлашни ҳам йўлга қўйди.

Ҳар ҳолда оилага ёрдам бўлаяпти. Энди бўлса компьютер хонаси очаман, қишлоғимиз болалари келиб ўрганади, дейди, қаршилик қилмадим. Ҳозир шаҳарда нима бўлса, қишлоққа ҳам шу нарса кириб келаяпти.

Ҳа, ёшларимиз тадбиркор бўлиб ўсаяпти. Ишбилармонликнинг бошини тутаяпти, демак кам бўлмаймиз.

— Қишлоқда илгари ким тўй қилса идиштовоқнинг ташвиши тушарди. Қаранг-а, қўшни Бойқўрғон қишлоғида бир аёл "Прокат" деган дўкон очибди, — деб даврадагиларни кулдирди Сериқбой бува. — Борасиз, 50 та лаган, 50 та чойнак, 200 та пиёла, 200 та косани олиб қайтасиз. Тўйни ўтказиб, яна жойига ювиб-тозалаб обориб берасиз экан. Пули эса Сериқбой буванинг бир чеким носининг пулига тенг...

Қишлоқлардаги бундай ўзгаришлар ҳар қадамда учрайди. Лекин Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан амалга оширилиши лозим бўлган кўплаб вазифалар қатори баъзи маънавий-маърифий ва маданий ишлар ҳам ечимини кутаяпти.

Яқинда маҳалла оқсоқоллари иштирокидаги йиғилишда бир савол ўртага ташланди. "Кимнинг маҳалласида кутубхона бор?" Шу савол баҳона болаларимизнинг китобхонлиги ҳақида сўз кетди. "Тоғузоқ" маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли Бекмирза ака шундай деди:

— Маҳалламизда кутубхона йўқ. Лекин ўзим 30 йил мактабда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берганман. Адабиётга қизиқишим баланд. Шунинг учун йиллар давомида тўплаган икки мингга яқин китобим бор эди. Бу китоблар бекор ётмасин деб уйда шахсий кутубхона очиб қўйдим, ҳар куни 10-15 нафар одам келади.

Бу ярқ этган фикр хаёлимни чархлаб юборди. Дарҳақиқат, ҳар бир қишлоқда ҳеч бўлмаганда 200-300 нафар китоби бор зиёли топилади. Демак, шахсий кутубхоналар фаолиятини аниқ бир йўналишда йўлга қўйсак, бу ҳам маънавиятга хизмат қилган бўларди.

Бундан ташқари кейинги пайтларда мактабларда китоб байрамлари ўтказилмоқда. Унда ота-оналар ҳам мактаб кутубхоналарига баҳоли-қудрат китоблар совға қилишмоқда. Бундай тадбирлар доимий ўтказилиши керак. Бугунги кунда юзлаб шоир ва ёзувчиларимиз шаҳарда яшаб ижод қилмоқдалар. Уларнинг шахсий кутубхоналаридаги минглаб китоблардан тортиб, ўзларининг ёзган ўнлаб асарлари ҳам бор. Ажабмас, эрта-индин "Адабиёт — қишлоққа" шиори остида ташаббуслар ўртага ташланса, ҳар бир ёзувчи ёки шоир бир қишлоқда битта кутубхона ташкил этишга бош қўшса, маънавият ва маърифат масканлари иши яна ҳам жонланиб кетса...

Қишлоқда турмуш маданиятини янада юксалтиришда ёшларимиз тарбиясига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур. Ота-боболаримиздан қолган урф-одатларимизни қишлоқ ёшлари орасида кенгроқ тарғиб этиш пайти ҳам келди.

Бир сўз билан айтганда, 2009 йил қишлоқларимиз тараққиётига, юртнинг яна ҳам обод ва фаровон бўлишига хизмат қилади. Ҳозир қаерда бўлманг, одамлар тилидан орзу-тилак тушмайди: "Қишлоқларимизга ҳам файз кирадиган бўлди."

Ҳамид НОРҚУЛОВ

Хабарлар оқими

ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

Адлия вазирлиги ташаббуси билан Тошкент вилояти Оққўрғон туман ҳокимлигида давра суҳбати ўтказилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Бош қомусимиз қабул қилинганининг 16 йиллиги муносабати билан қилган "Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш — бизнинг олий мақсадимиз" деб номланган маърузаси юзасидан келиб чиқадиган вазифалар ва "Диний экстремизм ҳамда миссионерликнинг олдини олиш — аҳоли фаровонлиги гаровидир" мавзуларида ўтказилган давра суҳбатида Адлия вазирлигининг масъул ходимлари, туман ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, хотин-қизлар қўмитаси, меҳнат ва ижтимоий таъминот бўлими, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, касб-ҳунар коллежи талабалари иштирок этишди.

Лобар РАҲИМЖОНОВА,
"Hurriyat" мухбири.

ҲИНД ТИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Лаъл Баҳодир Шастри номидаги ҳинд маданият марказида «Ҳинд тили куни»га бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда ҳинд тилини ўрганиш ва тарғиб қилишда жонбозлик кўрсатаётган бир гуруҳ олим ва ўқитувчилар Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Саид Манал Шах Алкадри томонидан муносиб тақдирланди.

Тадбир сўнгида ҳинд адабиёти, маданияти, санъати, тарихи билан шуғулланиб келаётган юздан ортиқ мутахассислар, ҳиндшунослар, санъат усталари марказнинг эсдалик совғаларини қабул қилиб олишди.

Ислом СУЛТОНОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ПАРРАНДАЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги "Қувасойпарранда" очиқ турдаги акциядорлик жамияти, Тошлоқ туманидаги "Камрах" фермер хўжалиги, Данғара туманидаги "Муҳаммад Рўзали" каби кўплаб ишлаб чиқариш корхоналарида парранда-чиликни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Фарғона туманидаги «Чимёнпарранда" масъулияти чекланган жамияти ҳам вилоятда ривожланаётган ана шундай корхоналардан бири. Ўтган йили бу ерда "Родонит-3" зотли товуқларни парваришлаш йўлга қўйилди ва истеъмолчиларга 300 тонна парҳез гўшт етказиб берилди.

Мамлакат НОРМУРОДОВА,
"Hurriyat" мухбири.

КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗИЛДИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда партиянинг Тошкент вилояти, туман ва шаҳар кенгашлари фаоллари, депутатлик гуруҳлари шунингдек, Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва маҳаллий ҳокимлик вакиллари иштирок этишди. Тадбирда O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши ва депутатлик гуруҳларининг партиянинг дастурий вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги фаолияти ҳамда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилидаги устувор вазифалари тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЯНГИ ҚЎШИМА КОРХОНА

Фарғона шаҳрининг Бешбола мавзесида "Корея хана медикал" қўшма корхонаси фаолият юрита бошлади.

Бу ерга хорижлик сармоядорлар томонидан 1 миллион 21 минг АҚШ доллари миқдорида ишлаб чиқариш дастгоҳлари келтирилиб ўрнатилди. Йилига 700 тонна пахта хомашёсини қайта ишлаш қувватига эга корхонада айни пайтда тиббий ва косметик салфеткалар ишлаб чиқарила бошланди.

Янги корхонанинг фойдаланишга топширилиши 50 нафар янги иш ўринлари яратиш имконини берди.

Солиҳ ҚАҲҲОР,
"Hurriyat" мухбири.

МАРКАЛАРДА ҲАРБИЙ САЛОҲИЯТ ТАСВИРИ

Тошкентда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб чиқарилган махсус почта маркаларининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ, Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Тақдимоти ўтказилган маркаларда мамлакатимизнинг ҳарбий салоҳияти, аскар йигитларнинг жанговар қобилияти, ҳарбий машғулотларни фидойилик билан бажараётгани акс эттирилган.

Шунингдек, тадбирда истиқлол йилларида чиқарилган 800 га яқин почта маркаларининг ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда улар қалбида меҳр-муҳаббат туйғуларини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётгани эътироф этилди.

Иноможон АБДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

ТАДБИР

Янги лойиҳалар режаси

Ахборот асри деб ном олган ҳозирги даврда бирор хабар ёки янгиликни тез ва сифатли етказишни таъминлашда, оммавий ахборот воситаларининг равнақ топишида муайян маънода Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг кўмаги муҳим ўрин эгалламоқда.

Кеча Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида мазкур жамоат фонди Васийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамоат фонди томонидан грант олувчилар фаолиятига манфаатдор идора ва ташкилотлар вакиллари, республикамизда фаолият кўрсатаётган ОАВ раҳбарлари, Ўзбекистон Миллий университети ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг журналистика факультетлари талабалари иштирок этишди.

Фонд Васийлик кенгаши раиси, халқ шоири Абдулла Орипов сўзга чиқиб, жорий йилда фонд фаолияти, амалга оширган ижобий лойиҳалари, босма нашрларни замонавий андозалар асосида ривожлантириш мақсадида таҳририят вакиллари учун уюштирилган тадбирлари хусусида гапирди.

Шунингдек, тадбир давомида ташкилотнинг «Маслаҳат кенгаши» ва «Эксперт комиссияси» аъзолари ҳамда ҳамкорлари иштирокида фонднинг 2008 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда мамлакатда маънавий-маърифий тарғибот ишларининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш, миллий ўзликни англаш, бебаҳо маънавий меросимизни асраб-авайлаш борасида оммавий ахборот воситалари олдида турган долзарб вазифалар, оммавий ахборот воситаларида олиб борилаётган маънавий-маърифий тарбия ишларининг самарадорлигини кучайтириш бўйича очиқ амалий мулоқот ҳам бўлиб ўтди.

Қолаверса, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Жамолиддин Ҳакимов, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев ва бошқалар ўзаро фикр алмашиб, келгусида фонд билан ижодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳамда соҳада келажакда бажарилиши лозим бўлган устувор лойиҳалар юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдиришди.

Ўз мухбиримиз

Раҳбари билан судлашди

(Бошланиши 1-бетда.)

Фуқаролик ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди раиси И.Норов тақдим этилган ҳужжатлар, гувоҳлар ҳамда даъвогарнинг даъво аризасини атрофлича ўрганиб чиқиб, Лола Бўроновани вазифасига қайта тиклаш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарди. Шунингдек, Л.Бўронова фойдасига 5-сон "Нефтгазтаъминот" масъулияти чекланган жамиятидан мажбурий прогул учун 521647 сўм, етказилган маънавий зарар учун эса 150000 сўм товон, жами 671647 сўм ундириш тўғрисидаги адолатли қарор қабул қилди.

Албатта, халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ошиб, фуқаролар ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини тиклашга интилаётгани ва юртимизда адолат мезонларига амал қилувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари шаклланаётгани қувонарли ҳолат. Аммо... юқоридаги каби ҳуқуқ бузилиш ҳоллари ҳам кўп учраётганини ҳисобга олсак, аввало ҳар бир фуқаро, у хоҳ ишчи, хоҳ раҳбар бўлсин ўз манфаатини кўзлаб бошқа бировнинг ҳуқуқини бузмаслиги зарурлигини юракдан ҳис қилиши лозим. Чунки, қонун бузилиши ҳар қанча тусланиб, хаспўшланмасин, ҳақиқат барибир қарор топаверади. Сўзимизга биргина юқоридаги мисол ҳам далил бўла олади. Ҳар ҳолда ҳомиладор аёлни ойлаб эшикма-эшик сарсон-саргардон қилиш ҳеч бир раҳбарга раҳмат олиб келмаса керак.

Шавкат НОСИРОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Қопқон

ёхуд алданган аёллар қисмати



Гули (исми ўзгартирилган) уйига ҳовлиққанча кириб келди.

— Она, онажон, мени табрикланг, чет элга ишга кетадиган бўлдим. Қаерга дейсизми? Голландияга. Ҳар ойда 700-800 доллар иш ҳақи олар эканман. Муяссар опанинг айтишича, мендан олдин ҳам бир нечта қизлар ўша ерда ишлаб, катта пул топганмиш. Ҳатто уй, енгил машина олганлари ҳам бор экан.

— Ишқилиб айтганинг рост бўлсин, орзуинг ушалсин, — деди онаизор ҳам нимадандир умидвор бўлиб.

Шундан сўнг Гули жомадонини олиб йўлга чиқди. Уни Тошкент аэропортида кутиб олган Муяссар ҳозирча Боку шаҳрига боришини, шундан кейин Голландияга кетишини тайинлади. Сода қиз бу гапга лаққа ишонди.

Гулини Боку шаҳрида Рамил исмли йигит кутиб олди. Унга тез орада яна бир неча қизлар билан хорижга жўнаб кетишини маълум қилди. Орадан кўп ўтмай Гули ва яна 4-5 нафар қиз Бокудан Муяссар айтганидек Голландияга эмас, балки Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрига учиб кетадиган бўлди.

— Голландияда ҳозирча иш йўқ экан. Дубайдаги ресторанларда эса иш тиқилиб ётибди. У ерда кўп пул топасан, — дея изоҳ берди Рамил.

Гулининг ҳамма кўргуликлари Дубайга борганидан кейин бошланди. Мазкур шаҳарда уни Урганчда танишган Муяссар Мадаминованинг қизлари Булбулой ва Нурбаҳорлар кутиб олишди.

— Онам сенга даромадли иш топиб беришимизни тайинлаган. Шундай экан, йўл-йўриғимиздан чиқмайсан, — деб уқтиришди улар Гулига. Гулининг судда берган кўрсатмасига қараганда, у Булбулойнинг тазйиқи билан кунига ўнлаб турли миллатга мансуб эркаклар билан жинсий алоқада бўлган. У бошини қайси деворга уришини билмай қолди. Чунки қаерга мурожаат қилишни билмасди. Бунинг устига М.Мадаминованинг қизлари уни уриб-сўкишар, паспортини эса олиб қўйишганди.

Товламачи М.Мадаминованинг тузоғига тушганлардан яна бири урганчлик Роза исмли қиз (исми ўзгартирилган). У ҳам Муяссарнинг "чет элда даромадли иш бор" деган алдовига учиб, тузоққа тушган. М.Мадаминова Розани Дубай шаҳрига жўнатган. У ҳам Гули каби даставвал Боку шаҳрига борган, у ерда урганчлик яна бир қиз билан Дубайга учиб кетишган. Аэропортда М.Мадаминованинг қизлари Булбулой ва Нурбаҳорлар кутиб олишди, ўзлари яшаётган уйга олиб боришган. Шундан кейин Розани доимий равишда шаҳвоний ҳирсга берилган кимсалар истагини қондириш билан шуғулланишга мажбур қилишган.

Розанинг кўзига ёш олиб судда берган кўрсатмасига кўра, кунига тахминан 20 нафар эркак билан жинсий алоқада бўлишга мажбур қилишган. Ҳар куни 300 минг сўм пул ишлаган. Бу пулларни кечаси ундан Булбулой келиб олиб кетарди. Роза қисқа давр ичида шу йўл билан М.Мадаминованинг қизларига 30 минг АҚШ доллари топиб берган. Энди мен юртимга кетаман, деб йўлга чиқмоқчи бўлса, Булбулой унга дағдаға қилиб, "Сени бу ерга олиб келиш учун 12 минг доллар сарф қилганман. Шу пулларни менга ишлаб берганингдан кейин ўзинг учун пул ишлайсан" дея ўдағайлаган. Қиз унинг айтган пулини тахминан 3 ой давомида топиб берган.

Аммо шундан кейин ҳам Булбулой яна 7 минг АҚШ доллари топишини тайинлаган. Роза бу пулни ҳам берган. Шундан кейин ҳам ўргимчак тўридан қутулишнинг иложи бўлмаган. Пичоқ бориб суякка қадалгандан кейин Роза ўтган йил баҳор кунларининг бирида Абу-Даби шаҳридаги полиция маҳкамасига қочиб борган. Полицияга Б.Мадаминова ва Н.Мадаминоваларнинг бераётган жабр-ситамларига чидай олмаганини айтиб, уларнинг сирини фош қилган. Полиция томонидан ўтказилган текшириш ва суриштирув тугагач, қизни қирқ кун мобайнида ушлаб туришган. 2008 йил 2 май куни уни Ўзбекистонга депортация қилишган.

Шу ўринда муштарийларимизда бундай қабиҳ ишлар билан шуғулланётган Муяссар Мадаминованинг ўзи ким эди, деган савол туғилиши ҳам табиий. Муяссар Мадаминова 1960 йилда Урганч шаҳрида туғилган. Оилали, 4 нафар фарзанди бор. 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 135-моддасининг 3-қисми, 223-моддасининг 2-қисми билан унга жиноят иши қўзғатилган. Иккала жиноят иши ҳам 2005 йил 25 август куни Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 84-моддаси 1-қисми 2-банди билан амнистия актига биноан тугатилган. Шунингдек, 2008 йил 5 май куни Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Сирғали туман суди томонидан ЎзР ЖК 223-моддасининг 1-қисми билан айбдор деб топилиб, 521625 сўм жаримага тортилган. Ҳеч қаерда ишламайди.

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, дейдилар. Бир неча бор ноқонуний ишларга қўл уриб, устидан жиноят иши қўзғатилган, Юртбошимизнинг инсонпарварлик тамойилларига таяниб, қабул қилган амнистия тўғрисидаги Фармони асосида жазодан озод қилинган аёл афсуски бундан тегишли хулоса чиқармади. Кейинчалик яна бир жиноий ишга қўл уриб, жаримага тортилган бу аёл тағин қабиҳликка қўл урди. Қонун тили билан айтганда, М.Мадаминова аёлларни топиб, улар билан оғзаки равишда битим тузиб, ўз "бизнес"ида фойдаланиш учун алдов йўли билан мамлакатимиз ҳудудидан олиб чиқиб кетишга бош-қош бўлган. Натижада гулдек қизлар ёт элларда оворai сарсон бўлган, хўрлик, таҳқирлаш ва камситишларга дучор этилган. Одам савдосидек тубан ишга қўл урган Муяссар Мадаминова эса энди виждони олдида бўлмаса ҳам, қонун олдида жавоб берди.

Расмий маълумотларга қараганда, одам савдоси билан шуғулланувчи М.Мадаминовага ўхшаган манфур кимсалар аёлларни асосан Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Исроил, Жанубий Корея, Қозоғистон ва Россия каби давлатларга олиб чиқиб кетишаётган экан. Ҳозир ана шундай ғайриқонуний ишларга қўл ураётган кимсаларнинг таноби тортиб қўйилаяпти. Ўтган йилнинг 17 апрелида мамлакатимизда "Одам савдосига қарши кураш тўғрисида" қонун қабул қилингани юртимизда бундай жиноий ишларга қарши кураш олиб боришда, одам савдосидан жабр кўрганларни ҳимоя қилишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда имзолаган "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори юқорида тилга олинган қонун ижросини таъминлашда, уни ҳаётга тўлатўкис татбиқ этишда муҳим роль ўйнамоқда. Республикамизда одам савдосига қарши курашиш ишларини ташкил этиш мақсадида 2008—2010 йилларга мўлжалланган миллий режа тасдиқланиб, ваколатли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари шу асосда фаолият олиб бораяпти. Бинобарин, ғайриқонуний қурол савдоси, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи каби оғир оқибатларга олиб келувчи одам савдосига чек қўйиш, бу иш билан шуғулланаётган кимсаларнинг йўлига тўсиқ қўйиш пайти келди.

Гулчеҳра ҚУЛИМОВА,
Жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг раиси.
Тузалбой РАҲИМБОЕВ,
"Hurriyat" мухбири.

НОЁБ ХАЗИНАЛАР МАСКАНИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Айниқса, Нодир нашр ва қўлёзмалар фонди билан ҳар бир юртдошимиз фахрланса арзийди. Бу бўлимда 250 мингдан ортиқ ҳужжат сақланса, шундан 15 мингдан кўпроғи ноёб китоб ва қўлёзмалардир. Улар орасида 594 томдан иборат ўзига хос энциклопедия — "Туркистон тўплами" ҳамда А.Л.Кунин томонидан тузилган 10 томлик "Туркистон альбоми" (унда ўлкамиз аҳолисининг турмуш тарзи, урф-одатлари тўғрисидаги 1200 дан ортиқ фотосуратлар бор) борлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Биз Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандий, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий каби буюк алломаларимизнинг номлари билан фахрланамиз. Уларнинг илмий-адабий мерослари бутун инсониятнинг бебаҳо мулки ҳисобланади. Ана шундай улуғ зотлар яратган асарларнинг аксарияти ҳам бугун кутубхона фондида сақланмоқда.



Хўш, шундай тенгсиз мулкка эга бўлган кутубхонанинг ўқувчилари ундан оқилона фойдаланяптиларми? Баъзи титилиб кетган нашрларни кўриб кўнгил ғаш тортади. Наҳот, маънавий хазиналаримизга муносабат шундай бўлса?..

Кутубхона директори, социология фанлари доктори Абдусалом Умаров билан суҳбатда юқорида қайд этилган ҳолат ҳақида ҳам сўрадик.

— 40-45 минг нафар доимий аъзосига эга бўлган зиё масканимизда илм ташналари учун янги-янги имкониятлар яратишга ҳаракат қилаяпмиз. Интернет орқали масофавий хизмат йўлга қўйилгани ҳам фикримиз далилидир. Электрон почта орқали бизга мурожаат қилган китобхонга керакли асарнинг бор-йўқлиги аниқланиб, маълумот берилади. 200 мингдан ортиқ рақамлаштирилган нашрларнинг электрон вариантини Интернетда ўқиш мумкин. Вертуал имкониятларимиз ҳам кундан-кунга кенгаймоқда. Чунончи, "Кутубхоналарда электрон фондлар" дастури асосида АҚШнинг "EBSCO Publishing Inc." компанияси билан ҳамкорлик ўрнатилган. Энди ўқувчиларимиз дунёнинг 23 мингдан ортиқ газета-журналларининг камида ўн йиллик тахламидан Online тизимида махсус пароллар ёрдамида фойдаланишлари мумкин. Бундан ташқари, бир нечта давлатларнинг қишлоқ хўжалиги, нефть-газ, самолётсозлик, қолаверса, турли фанларга доир рефератив журналларига бевосита обуна бўлганмиз. Бундан асосий мақсад — олимларимизнинг дунё илм-фанида рўй бераётган янгиланишлардан доимий хабардор бўлишлари учун кўмаклашиш ҳисобланади. Чунки қайсидир чет давлатда аллақачон ихтиро қилиб бўлинган мослама устида бош қотириб ўтиргандан кўра, у ҳақда маълумотга эга бўлиб, бошқа кашфиётларни ўйлаш мумкин. Яна 45 миллионга яқин ҳужжат сақланаётган Россия давлат кутубхонаси билан ҳам ҳамкорлигимиз бор. Унинг диссертацион фонди вертуал кутубхонаси филиали очилган. Илмий иш билан шуғулланаётган ҳамюртларимиз ходимларимиздан махсус паролларни аниқлаб, россиялик олимларнинг 300 мингга яқин диссертациялари билан танишишлари мумкин.

Умуман, дунёдаги энг илғор усулларда хизмат кўрсатишга ҳаракат қилаяпмиз. Аммо ўзингиз айтиб ўтганингиздек, "ўғирлик" ҳам содир бўлиб туради. Айни пайтда назоратни янада кучайтирдик. Айниқса, энг ноёб, қадимий ҳужжатлар сақланаётган "Нодир нашр ва қўлёзмалар" бўлимида кузатув камералари ўрнатилган бўлиб, китобхоннинг ҳар бир ҳаракатини ходимларимиз экран орқали назорат қилиб туришади. Қолаверса, энди 2000 дан ортиқ нодир китобларнинг электрон варианти ҳам мавжуд. Ўқувчи Интернет орқали улардан бемалол фойдаланиши мумкин. Нашрларнинг асл нусхалари эса махсус қутиларда сақланади. Айтиш жоизки, энди китоб ўғриларига ҳеч қандай имконият қолмади.

— Қачонлардир чет элларга олиб чиқиб кетилган ноёб китобларимизни қайтариш борасида қандай ишлар амалга оширилаяпти, — деб сўрадик суҳбатдошимиздан.

— Ҳа, бу борада ҳам астойдил ҳаракат қилаяпмиз. Дунёнинг 24 давлатидаги 30 дан ортиқ ташкилот билан халқаро китоб алмашуви борасида шартнома бор. Яъни агар уларда бизнинг халқимиз, маданиятимизга хос китоблар, қўлёзмалар, ҳужжатлар бўлса, бизга қайтаришади. Биз ҳам уларга тегишли китобларни юборамиз, — дейди Абдусалом Умаров. — Эсимда, бундан ўн йиллар бурун Германияга борган эдик. У ердаги Миллий кутубхонада буюк мутафаккир аждодимиз Ал-Фарғоний қаламига мансуб "Астралабия" (Осмон жисмларини кузатиш асбоблари ҳақида) китобининг 1483 йилда қайта кўчирилган нусхаси бор экан. Энг қизиғи, ўша пайтда бу бобокалонимизнинг юртимизда бирорта ҳам китоби йўқ эди. Асардан нусха олиш нархи эса жуда қиммат экан. Биз кутубхона директорига ўзимиз билан олиб борган Марказий Осиё маданияти ва санъатига доир альбомни совға қилиб, кўнглини овлаб, зўрға нусха олиб қайтган эдик. Уларда Ал-Фарғонийнинг осмон жисмлари глобуси ҳам бор эди. Кейинроқ эса уни ҳам бизга юборишди.

Кутубхона хизматидан фойдаланаётган айрим китобхонлар билан суҳбатлашдик.

— "Садойи Фарғона" газетаси бўйича магистрлик иши ёзаяпман,— дейди Ўзбекистон Миллий университети талабаси Зарифжон Чоршаев. — Бу ерда илмий изланишлар билан шуғулланиш учун барча шароитлар бор. Иккинчи қаватда Медиа маркази фаолият кўрсатаяпти. Бу ерда Интернет хизматидан анча арзон нархда (биринчи соат бепул, иккинчи соатдан бошлаб ҳар соатига бор-йўғи 400 сўм) фойдаланиш мумкин.

Кутубхонанинг "Нодир нашр ва қўлёзмалар" бўлимидаги ёшлар учун мўлжалланган умумий ўқув залида профессор Эргаш Умаров мутолаа қилаётган экан.

— Қаранг, бу 1961 йилда чоп этилган география энциклопедия, — дейди у. — Афсуски, бу китобнинг ҳам бир нечта вараги йиртиб олинган. Ҳайронман, кутубхона ичида нусха кўчириш аппаратларидан ҳам, Интернетдан ҳам фойдаланиш имкони бор-ку! Бундай қилиш кимга керак экан?!

Миллий библиография бўлими бош кутубхоначиси Шоира Мирҳамидова эса "Авваллари ўқувчилар газета-журнал тахламларини тўлалигича сўрашарди. Шунинг учун биз кўпинча газетанинг қайсидир сони юлиб кетилганини пайқамай қолардик. Энди эса нашрнинг ўнта сонидан ортиғи қўлга берилмайди ва ходимлар томонидан назорат ҳам кучайтирилган," дейди биз билан суҳбатда.

Дарҳақиқат, шундай кенг имкониятлар яратилган пайтда фақат ўз манфаатини миллий манфаатларимиздан устун қўйган кишиларни ўз уйига ўғирликка тушган кимсаларга қиёслаш мумкин. Қолаверса, илм хазиналарини келажак авлодларимизда бус-бутун етказишни мақсад қилган зиё масканига келиб, илм йўлида изланишлар олиб бораётган "толиби илм"нинг ўғирлик қилиши ноинсофлик эмасми?

Миллий меросимизнинг бу масканда асраб-авайлаб сақланаётгани, қолаверса, ноёб хазиналардан баҳраманд бўлиш имкониятининг бугунги даражаси ҳавас қилгулик. Зеро, юқорида таъкидланганидек, кутубхона фонди жуда бой. Фақат илм толиблари шу бебаҳо бойликдан фойдаланишда имон билан иш тутсалар, бас.

Ситора ТОЖИДДИНОВА,
"Hurriyat" мухбири.

ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ

Бўлажак зобитлар камоли

Ҳарбийлар сарҳадларимизда сергак тургани учун ҳам кўча-кўйда бемалол юрамиз. Эртанги кунимиз бугунгидан-да саодатли бўлиши ҳақида ширин хаёллар сурамиз. Ҳарбийлар борлиги учун ҳам уйқумиз тинч, болалар кулгуси тароватлидир.

Истиқлол нафақат халқ хўжалигининг турли соҳаларида, балки одамлар онг-у шуурида ҳам улкан ўзгаришлар бунёд этди. Бугун мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида хизмат қилиш йигитлар учун олий мақсадга, ўз фарзандини армияга жўнатиш эса ота-оналар учун шарафга айланди.

Ўтган ҳафтада юртимизнинг барча гўшаларида Ватан ҳимоячилари куни кенг миқёсда нишонланди. Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультетида ҳам байрам шукуҳи ҳукмрон бўлди. Табиийки, чегараларимиз дахлсизлигини мустаҳкамлаш, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни янада барқарорлаштиришда мазкур ўқув юртида таҳсил олган офицерларнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Улар орасида матонат ва жасоратда алоҳида намуна кўрсатаётган ва Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлаётганлари ҳам талайгина. Устозлари изидан бораётган курсантлар ҳам таълим муассасасининг ўзига хос анъаналарини муносиб давом эттирган ҳолда, янада яхшироқ натижаларга эришиш йўлида асдойдил изланмоқдалар.

— Факультетимиз 1993 йилнинг 12 февралида Президентимизнинг Фармонига биноан ташкил этилган, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Исроилжон Мирзаев. — Низомга биноан талабаларимиз 3-курсга ўтганларидан сўнг ҳарбий қасамёд қабул қиладилар ва ҳарбий олий ўқув юртининг курсанти мақомига эга бўлади. Ўқиш муддати 5 йил. Факультетни тугатган битирувчиларга ҳарбий мутахассис квалификацияси ва олий маълумот ҳақидаги диплом ҳамда лейтенант ҳарбий унвони берилади. Талаба ва курсантлар ўқув жараёнида университет қошидаги электрон кутубхоналардан бемалол фойдаланишлари мумкин. Кафедралар, хизматлар ва бўлинмалар локал компьютер орқали ўзаро боғланган.

Барча шароитлар муҳайё қилинган ўқув хоналари, замонавий техника воситалари билан жиҳозланган тренажёрлар, спорт зали, кутубхона, сўнгги русумдаги компьютерлар, жанговар техникалар курсантлар ихтиёрида. Уларга чуқур илмий салоҳиятга эга бўлган профессор-ўқитувчилар ва тажрибали ҳарбий хизматчилар таълим беришмоқда.

— Яқинда биз мукаммал таъмирлаб, замонавий кўринишга эга бўлган янги бинога кўчиб ўтдик, — дейди И.Мирзаев. — Аудитория ва ётоқхоналар замон талабларига тўлиқ жавоб беради. Хабарингиз бор, сўнгги йилларда ҳарбий мутахассислар тайёрлашнинг ўзига хос тизими яратилгани туфайли Қуролли Кучларимизнинг деярли бутун қўмондонлик ва сержантлар таркиби тўлиқ янгиланди. Мамлакатимиз тинчлигини янада мустаҳкамлашдек эзгу мақсадни амалга ошириш йўлида факультетимизда ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Асосий мақсадимиз бугунгидай таҳликали замонда турли хуружларни бартараф этишга қодир бўлган малакали офицерларни тайёрлашдан иборатдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур таълим муассасасида ёшларни она-Ватанга содиқ ўғлонлар қилиб тарбиялаш, курсантларнинг зарур билим ва кўникмаларни ўзлаштиришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, факультет қошида ташкил этилган турли хил тўгаракларнинг фаолияти курсантларнинг ўз устиларида янада кўпроқ ишлашларига имкон яратмоқда. Бундан ташқари, уюштирилаётган турли кўринишдаги танловлар ёшларнинг ўз қобилиятларини янада тўлароқ намоён этишларига замин тайёрламоқда. Жанговар машғулотлар давомида намуна кўрсатганларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Мазкур таълим муассасаси фаолияти билан яқиндан танишиб, мен бир нарсага амин бўлдим. Бўлажак офицерлар қандай мақсад сари одимлаётганларини, бугунги кун талаби ва қўйилаётган вазифаларнинг нечоғли муҳимлигини яхши англайдилар. Ўз бурчларига ҳам сидқидилдан ёндашишади. Бу эса бугунгидай осойишта кунимизнинг боқийлигига кафолатдир.

— Бугунги кун биз офицерлардан жуда кўплаб хусусиятларга эга бўлишни талаб қилади, — дейди "Дўстлик" ордени соҳиби, полковник Абдуҳалил Тўлаганов. — Ҳарбий хизматчилар аввалло, ўзи туғилиб ўсган заминни севиши, замонавий армия талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган даражада билимли ва шижоатли бўлиши керак. Факультетимизнинг профессор-ўқитувчилари ҳам катта тажрибага эга бўлган офицерлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг 3 нафари техника фанлари номзоди ҳисобланишади.

— Бизга ўз ишининг моҳир усталари сабоқ беришмоқда, — дейди 3-курс курсанти Улуғбек Бердиев. — Бугун улар ўргатаётган билим, тажрибалар эртага бизга профессионал фаолиятимизда албатта асқотади. Шу сабаб бугунги имкониятлардан иложи борича кўпроқ фойдаланишга ва устозларимизнинг ҳар бир сабоғини ўзлаштиришга ҳаракат қилаяпмиз.

Бугунги кунда Юртбошимизнинг ғамхўрлиги сабабли ҳарбийларнинг турмуш шароити ҳам тобора яхшиланиб бормоқда. ТАТУ махсус факультетининг курсантлари учун яратилган қулайликлар мисолида бунга яна бир бор амин бўлдик. Бўлажак зобитлар истиқомат қиладиган ётоқхоналар шу қадар шинам ва файзлики, улар ҳашаматли меҳмонхоналардан сира ҳам қолишмайди.

Бир сўз билан айтганда, Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультетида Ватан ҳимоясидек муқаддас бурчга бел боғлаган юртнинг асл ўғлонлари сабоқ олмоқдалар. Уларнинг келгусида юксак малакали мутахассис бўлиб етишишларига асло шубҳа йўқ.

Элбек ЖУМАНОВ,
"Hurriyat" мухбири.



ҚАДРИЯТ

Полвонлик халқимизга хос хислат

Ривоят қилишларича, қадим замонларда бир подшоҳ малика билан сайр қилиб юрганида ногаҳон бир йигитнинг ўзидан бир неча бор оғир тошни бемалол кўтариб, томоша кўрсатаётганининг устидан чиқиб қолибди. Подшоҳ бу полвон йигитнинг кучи ва маҳоратига тан бериб, унга шоҳона ҳадялар бериб турганида, малика полвон бажарган ишнинг унчалик қийин эмаслигини, ҳар қандай одам ҳам машқ қилса, у кўтарган оғирликдаги тошни бемалол осмонга ирғита олиши мумкинлигини айтибди.

Табиийки, бу гапдан подшоҳ қаттиқ дарғазаб бўлибди. "Ўзинг бир ожиза бўлсанг, шу ҳолингда катта кетишинг нимаси?..", деб ўйлабди подшоҳ. Аммо сир бой бермасдан, "Маликам, сиз ҳам машқ қилиб, шу тошларни кўтара оласизми?" деб писанда қилибди. Малика ҳам бир сўзли, мард аёллардан экан. Эрининг бу саволига жавобан ундан машқ қилиш учун бироз вақт сўрабди. Жорияларига эса яқинда туғилган бузоқни топиб келтиришларини буюрибди.

Бир-бирини қувиб кунлар ўтибди. Ниҳоят берилган муҳлат ҳам тугабди. Маликанинг таклифига биноан шоҳ саройида махсус майдон ҳозирланибди. Ҳамма нафасини ичига ютиб, маликанинг тақдири нима бўлишини ўзича мушоҳада қилаётган бир пайтда у каттагина ҳўкизни етаклаб келибди. Майдон ўртасига келганда ҳалиги ҳўкизни даст кўтарибди-да, бир муддат ҳавода муаллақ ушлаб туриб, сўнг яна ерга қўйибди. Буни кутмаган подшоҳ хотинининг олдида ўша куни айтган гапларидан қаттиқ мулзам тортибди.

— Машқ машаққатидан қўрқмасангиз, ҳар қандай ишни уддалаш мумкин, — дебди малика. — Сиздан муҳлат олган кунимдан бошлаб янги туғилган бир бузоқни ҳар куни икки мартадан кўтариб, машқ қилдим. Бугун ўша бузоқ етилиб, ҳўкиз бўлди. Мен эса ҳўкизни ҳам худди бузоқни кўтаргандек осонлик билан кўтара олдим.

Албатта, бу бир афсона, аммо унинг замирида катта ҳаётий ҳикмат бор. Мисол учун курашчи ўзини машқ билан тарбиялаб боради. Бир кун машқ майдонини тарк этган полвон бир ойлик кучини йўқотади.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан давлатимиз раҳбарининг жисмоний тарбия, хусусан спортга алоҳида эътибор қаратгани ҳам бежиз эмас. Шўролар замонида "оғаларимиз" бизга иккинчи даражали кишилар сифатида қараб келганди. Бугун истиқлол туфайли халқимизнинг азалий қадриятлари тикланиб, асрий орзулари ушалмоқда. Жисмонан бақувват, маънан баркамол авлодни вояга етказиш мамлакатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланган. Фикримизни 1991 йилнинг 20 ноябрида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги ва 1992 йил 14 январдан кучга кирган "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонунларнинг қабул қилиниши ҳам исботлаб турибди.

Бу эътибор ва ишончдан оқилона фойдаланган истеъдодли ёш спортчилар халқаро майдонларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Масалан, ўтган йили Хитой пойтахти Пекин шаҳрида ўтказилган олимпиада ўйинларида Артур Таймазов, Абдулла Тангриев, Сослан Тигиев, Ришод Собиров каби курашчиларимиз медаллар шодасини қўлга киритиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтиб келишди. Бу муваффақиятларимизда "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада" деб номланган мусобақаларинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Кураш, полвонлар баҳси ҳақида гап кетганда мавзу албатта, мардликка бориб тақалади. Халқимиз азалдан ана шундай ор талашиб, ном чиқарган номусли элдир. Алпларнинг пири саналган Паҳлавон Маҳмуд ҳақидаги ривоятда айтилишича, у шоҳона совға-саломлардан воз кечиб, эвазига асир тушган юртдошларининг зиндондан бўшатишларини илтимос қилган экан. Демак, кураш тушишдан мақсад биринчи галда моддий манфаат эмас, балки халқнинг шарафини ҳимоя қилишдир.

Ҳидоят ОЛИМОВА

ИМКОНИЯТ

Янги дастур таклиф этилмоқда

Яқинда Япония элчихонаси томонидан "Япон тили ва маданияти" ва "Ўқитувчилар учун малака ошириш" дастурлари эълон қилинди. Ғолиблар грант асосида Япония университетларида бир йилдан икки йилгача муддатда таҳсил олиш имконига эга бўлишади.

Бунда ўзига хос шартлар мавжуд бўлиб, унга кўра, талабалар 17 ёшдан 29 ёшгача бўлиши, энг муҳими, ўша мамлакатнинг тили ва маданиятини ўргатувчи таълим маскани ёки олий ўқув юртининг 2-3 босқичида таҳсил олаётган бўлиши керак. Номзод ўқитувчилар эса педагогика коллежи ёки олий ўқув юртини тамомлаган, мактаб, лицей ёки коллежларда камида беш йиллик иш фаолиятига эга бўлиши шарт.

Ботир МУСУРМОНОВ

Қарияларга, кўнгли ўксик болажонларга ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликларнинг чеки йўқ. Не бахтки, истиқлол шарофати бу борада кенг имкониятларни очиб берди. Бундай шароитда, албатта, меҳр билан ишлаш керак. Сир эмас, бундан 20-30 йиллар олдин ўқиган мактабимиз, ўтирган парталаримиз билан ҳозир фарзандларимиз таълим олаётган мактаблар ва унинг жиҳозлари ўртасидаги фарқ осмон билан ерча. Албатта, бундай дориломон кунлардан қувончимиз чексиз. Бироқ, шоли курмаксиз бўлмайди деганларидек, айрим раҳбарларнинг ўта масъулиятсизлиги туфайли баъзан ҳатто Мехрибонлик уйи каби даргоҳга ҳам ўгай кўз билан қаралаётгани афсусланарлидир.

ҲОЛАТ

Аросатда қолган қурилиш

Самарқанд шаҳридаги 9-Мехрибонлик уйида бугун 90 нафар бола таълим-тарбия олмоқда. Унинг биносидан эса 1927 йилдан эътиборан Мехрибонлик уйи сифатида фойдаланиб келинмоқда. Бугунга келиб, бино ҳам, яратилган шароитлар ҳам талабга жавоб беролмаяпти. Бундан 82 йил олдин қурилган бинонинг биттаси мослаштирилган бўлиб, кейингиси 1950 йилда қурилган типовой бино. Лекин Мехрибонлик уйининг боғча гуруҳларидаги ошхона ишламайди. Овқатлар ташиб келтирилади.

Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан 2004 йилда жами 275 миллион сўмлик лойиҳа-смета асосида Мехрибонлик уйи ҳовлисида 80 кишига мўлжалланган ошхона, янги ҳаммом биноси ва кир ювиш хонаси, тиббийхоналар, ўғил болалар учун алоҳида ётоқхона қурилиши режалаштирилган эди. Вилоят ҳокимлигининг 2004 йил 25 октябрдаги фармойишига асосан бу ишга 50 миллион сўм ажратилган. "Бунёдкор" қурилиш трести жами 63 миллион сўмга бинонинг ертўласи ва устки девор қисмини қурди, холос. Сўнг маблағ йўқлиги сабабли қурилиш тўхтаб қолди. Мехрибонлик уйи раҳбарининг вилоят халқ таълим бошқармасига, вилоят ҳокимлигига қилган мурожаатлари жавобсиз қолмоқда.

Бироқ, қачонгача? Наҳотки ҳукуматимиз томонидан коллеж ва лицейлар, мактаблар қурилиши ва қайта таъмирланишига салмоқли маблағлар ажратилаётган бир пайтда кўнгли ўксик болажонлар тарбияланаётган ушбу масканнинг қўшимча биноси қурилишини битказишга тўрт йилдан бери айрим мутасадди раҳбарларда имконият ёки ҳафсала етишмаётган бўлса?

Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,
"Hurriyat" мухбири.

ЖАРАЁН

Суднинг апелляция босқичида мурод ҳосил бўлмади: Ҳал қилув қарори кучида қолдирилди. Энди назорат тартибида вилоят суди раисига шикоят бермоқ керак.

Шундай қилинди ҳам. Рости, назорат тартибида берилган шикоят оқибатсиз қолдирилиши аввалдан маълум эди. Сабаби, апелляция судлов ҳайъатига раислик қилган вилоят суди раиси «назорат тартиби»га ҳам ўзи жавоб ёзади...

ШУБҲАЛИ ИМЗО, «ТИКО» ва СУД

...Фарғоналик Ғанижон Тўхтасинов машина харид қилаётганида унга қўшиб бир дунё ғалвани сотиб олаётганини билмаган эди, албатта. Мингтешикли рўзғордан тежаб-тергаб янги бўлмаса-да, (1998 йилда ишлаб чиқарилган) тетиккина «Тико» олди. Аммо, уни ёлчитиб миниб улгурмай бир дунё ғурбатга рўбарў келди.

Гап шундаки, машинали бўлганидан кўп ўтмай Мурат Давлетов деган шахс эшик қоқиб келди. Хизмат? Кутилмаган меҳмон энса қотирадиган талабини кўндаланг қўйди: машина мени, қайтариб берасиз, йўқса, судга бериб...

Қаҳрамонимиз босиқ оҳангда гапирганми ёхуд асабий (у афғон уруши иштирокчиси) тарздами, билмадик, лекин жавоб шундай мазмун касб этгани аниқ: тушингизни сувга айтинг, меҳмон, мен машинани ҳалол пулимга сиздан эмас, Солижон Обидов деган одамдан сотиб олганман, мана, қўлимда қонуний ҳужжат...

Маълум бўлишича, Ғ. Тўхтасинов сотиб олган «Тико» бир пайтлар ростдан ҳам М.Давлетовга тегишли бўлган экан. Эмишки, у (М.Давлетов) машинани Э.Мамажонов ва Д.Тўрахўжаев деган шахсларга вақтинча бошқариб туриш учун берган, аммо ул икки азамат ими-жимида «Тико»ни С. Обидов деган шахсга сотиб юборишганмиш...

Қачон? 2004 йилнинг 30 июль куни!

Ўҳ-ҳў, дейди қаҳрамонимиз, мен машинани 2005 йилнинг ўн иккинчи февралида олдим, салкам бир йилдирки у менинг ихтиёримда. Сиз эса, муҳтарам жаноб, шунча вақтдан буён қаерда эдингиз? Нечукким, машинангиз сотилиб кетганини энди билмоқдасиз? Ахир, Қўнғиротдан эмас, шу ерлик экансиз-ку?!

Мурат Давлетов юқоридаги икки шахс – Э.Мамажонов ва Д.Тўрахўжаевлар билан ўртасида кечган қандайдир келишув-ахдлашувни сўзлашга тушганди, Ғанижон ака чўрт кесди: мен сизни ҳам, сиз айтаётган одамларни ҳам билмайман, танимайман. Билганим шу – машинани С. Обидов деган одамдан салкам бир йил аввал сотиб олганман, мана нотариус ҳужжати... Ғанижон ака ўшанда кутилмаган меҳмоннинг «судга бераман» деган гапига эътибор ҳам қилмаганди. Машинани қонуний сотиб олган бўлса, ҳеч қандай тақиқ-у, бошқа тушовлар йўқ эди, шунча вақтдан бери бемалол миниб юрибди, нимадан қўрқади!

Аммо... М. Давлетов ростдан ҳам судга мурожаат қилди. Ва суд... унинг даъвосини қаноатлантириб, машинани қўшқўллаб даъвогарга олиб берди!

М. Давлетовнинг даъво аризаси мазмуни юқорида Ғ. Тўхтасиновга айтган гаплари билан деярли уйғун эди. Яъни: машинамни Э. Мамажонов ва Д. Тўрахўжаевларга вақтинча бергандим, улар менинг розилигимсиз С. Обидов деган шахсга сотиб юборишганди, С.Обидов ўз навбатида Ғ.Тўхтасиновга пуллаган, олди-сотди шартномасидаги имзо мени эмас, алқисса, «Тико»ни қайтариб олишга ёрдам беринглар, тамом!...

Албатта, машина қўй ёки сигир ёхуд бир коп картошка эмаски, жўнгина сотиб юборилаверадиган. Унинг олди-сотдиси бир қанча чиғириқдан ўтгачгина амалга ошади. Шулардан асосийси – олди-сотди шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши шарт! Нотариус тасдиғи учун машинага ҳеч қандай тақиқ қўйилган бўлмаслиги керак. Бу ҳақдаги маълумотномани эса ЙХҲнинг тегишли бўлинмаси беради ва ҳоказо...

...Суд даъвогарнинг «олди-сотди шартномасидаги имзо менiки эмас» деган важига «қаттиқ» эътибор бериб, даъвони тўла қаноатлантириб юборган. Имзо бўйича суд-хатнушослик экспертизаси тайинланганми? Йўқ! Нега? Даъвогар имзо менiки эмас деса, олди-сотди шартномасини тасдиқлаган нотариус «йўқ, имзо ўзиники, мен уйига бориб имзо қўйдирганман» деб кўргазма бериб турган бўлса – хатшунослик экспертизаси тайинлаш ягона адолатли ва қонуний чора эмасмиди? Нега тайинланмади? Тайинланмади, вассалом!

Ундай бўлса, қандай қилиб даъво қаноатлантирилди? Мана бундай қилиб: судда жавобгар сифатида жалб этилган Охунбобоев тумани Давлат нотариал идораси нотариуси С. Мирбоқиевaнинг кўргазмаси Ҳал қилув қарорида узуқ-юлуқ ҳолда қуйидагича ёзилган: «...нотариус даъвони тан олиб, (?!-Б.А.), даъвогар олди-сотди шартномасини имзолагани нотариал идорага келмагани, уни кўрмаганини, кўргазмани уйига бориб имзо қўйдириб келганини... билдирди». Нимани тушундингиз? Уйига бориб имзо қўйдирган бўлса, қандай қилиб уни «кўрмайди» – у имзо чекаётганида нотариус тескари қараб турганми?

Нотариус С. Мирбоқиева суд жараёнлари тугаб, тегишли Ҳал қилув қарори-ю, Ажрим чиққандан кейин дастлабки босқичда берган кўргазмаларини тушунтириш хати шаклида қоғозга туширишга мажбур бўлади. Бунга қуйи босқич судида унинг кўргазмасининг керакли жойлари «юлиб» олиниб, «кераклича» қарор чиқаришга асос бўладиган даражада талқин этилгани сабаб бўлгандир, эҳтимол...

Нотариуснинг «тушунтириш хати» мазмуни қуйидагича: «...2004 йилнинг 30 июль куни Охунбобоев тумани давлат нотариал идорасига Давлетов Муратга тегишли автомашинанинг ҳужжатларини олиб келишди. Уни (ҳужжатларни) олиб келганлар орасида М. Давлетовнинг ўғли Мухтор, менга таниш бўлган Маъруф ака ва яна бир-икки нафар киши бор эди. Ҳужжатларни текширганимда машина эгаларининг паспорти бор экан, холос. Мен машина эгалари шахсан келишмаса, шартнома расмийлаштирилмаслигини айтдим. Шунда М.Давлетовнинг ўғли Мухтор дадам ва онам ишда, бу ерга келгани вақти йўқ, деди. Ундай бўлса, ўзим бориб имзо қўйдириб келаман, деб айтдим. Бу гапим уларга маъқул тушди ва керакли ҳужжатларни тайёрлаб, имзо қўйдириш учун Давлетовларнинг хонадонига келдик... Олди-сотди шартномасига Мурат Давлетовнинг шахсан ўзи имзо қўйди. Розилик аризасига унинг турмуш ўртоғи имзо чекди...

...Орадан бир-икки йил ўтгач, Мурат Давлетов машинани менинг рухсатимсиз сотиб юборишибди, деб судга ариза берибди. Олди-сотдидан норози экан, нега ўз вақтида эътироз билдирмади? Нима учун шунча вақт мобайнида машинасини суриштирмайди?..».

...Тушунтириш хатига изоҳ бериб ўтирмаймиз. Шундоқ ҳам ҳаммаси тушунарли. Модомики, томонларнинг кўргазмаларида тафовут бор экан, улар қай бири ҳақиқатга яқинлигига ойдинлик киритиш учун тегишли гувоҳлар сўроқ қилинса, мақсадга мувофиқ бўлармиди, деган ўй ўтади киши да. Бироқ, суд на даъвогарнинг ўғли ва хотинини, на унинг ишончини суиистеъмол қилган ўша икки азаматни, на нотариус айтаётган «Маъруф ака»ни бу борада ишга жалб этмаганига бир эмас, ўн карра ҳайрон бўласиз. Наҳот даъвогарнинг далилсиз важи-ю, унга азбаройи «уйғунлаштириш» учун нотариуснинг кўргазмасидан «юлиб» олинган парчалар билангина даъвони қаноатлантиравериш мумкин бўлса?..

Дарвоқе, биринчи босқич суди олди-сотди шартномасидаги имзо М.Давлетовга тегишли ёки тегишли эмаслигига аниқлик киритиш борасида суд-хатшунослик экспертизаси тайинланмагани юқорида қисман айтилди. Сирасини айтганда, биринчи босқич суди кетаётган вақтда айнан шу масалада тегишли орган томонидан тергов-суриштирув ҳаракатлари олиб борилаётганди. Дастлабки тергов жараёнида суд-хатшунослик экспертизаси ўтказилди. Бу ҳақда судда маълумот бўлса-да, негадир буни кутмай отга қамчи босгандай Ҳал қилув қарори чиқариб юборилгани янаям қизиқ! Экспертиза хулосаси шундай бўлдики, шартномадаги имзо М. Давлетовга тегишлимиййқми – буни аниқлаш имкони бўлмади, бироқ автомашинани сотиш бўйича берган розилик хатидаги имзо даъвогарнинг хотинига тегишли экани тасдиқланган!.. Олди-сотди шартномаси ҳамда М.Давлетовнинг турмуш ўртоғи имзолаган розилик аризаси бир вақтда, битта нотариус томонидан тасдиқлангани инобатга олинса, даъвогарнинг машинаси сотилиб кетганидан гўёки бехабар қолгани қизиқ эмасми?

Бироқ, экспертиза хулосаси чиқиб улгурмай Ҳал қилув қарори чиқарилиб бўлганди. Ҳолбуки, Фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилаётган низоли масала бўйича айни вақтда тергов олиб борилаётган

эндиликда ўша пулга дуркунгина «Тико» эмас, эзилиб, ийиғи чиққан «Жигули» олиши-да даргумон.

Масза-масза – М. Давлетовга масза! Йўқ, шошманг, ҳақиқат букри бўлмайди, балки юқори босқичларда мазкур Ҳал қилув қарорида очиқ қолган саволларга жавоб топилар?

Эҳтимол. Бунинг учун «дело» янаям юқори босқичларда кўрилиши керак. Фарғонада – назорат босқичида ўзгариш бўлмагани ва бўлмаслиги аён эди. Сабаби, иш апелляция босқичида фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раиси З. Ҳамидов раислигида кўрилган. Назорат тартибидаги шикоятларни вилоят суди раиси шахсан кўриб чиқиши инобатга олинса, ҳаммаси жой-жойида қолади. Ахир, ким ҳам ўзи чиқарган суд актини ой ўтмай, ўзи бекор қиларди?! Шундай бўлди ҳам.

Буни илҳақ бўлиб кутиб турган Ғанижон Тўхтасинов вақтида Олий судга шикоят ёзди. Унинг мазкур шикояти... яна-тағин Фарғонага юборилди, «кўриб чиқиш учун». Жавоб қандай бўлишини илғаш учун катта ақл шарт эмас: вилоят суди раиси ишни қайтадан «кўриб чиқиб», «Ғанижон ака, Олий судга ёзган шикоятингиздан қўрқиб кетдим, мен хато Ажрим чиқарган эканман, энди тўғриладим – «Тико» қонуний сизники экан, олинг» демайди, албатта... Буни ҳамма билса-да, барибир шикоят раиснинг ўзига жўнатилди...

Беҳзод АЛИЕВ,
журналист.

СУРИШТИРУВ

“МТС” ЗЎР! БИРОҚ...

Тўғри, мамлакатимизда ушбу компания етакчи ҳисобланади. Хизматининг сифатига ҳам гап йўқ. “Осон”, “Қулай”, “Ҳамма жойда”... Аммо чекка қишлоқларда яшовчиларнинг фикрлари бу борада сал бошқачароқ. Масалан, Чортоқ шаҳридан шимолга қараб йигирма чақиримдан сўнг ҳатто энг зўр русумдаги мустаҳкам телефон ускунаси ҳам “соқовланиб” қолади. “Э, сал нари жил, антенна бор жойга ўтгин, садағанг кетай! Ҳа, ана! Ие, яна йўқолди! Ҳой, тезроқ гапир, ўзи пули озроқ эди тилпонимда!”... Одамлар мана шу ҳолатга аллақачон кўникиб қолишган.

Агар юридик нуқтаи назардан олиб қаралса, Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғриси”даги Қонуни бузилаётгандай, истеъмолчилар ҳуқуқига ҳам бироз путур етказилгандай назаримизда.

— Вилоятдаги Орзумобод, Пешқўрғон, Ҳазратишоҳ қишлоқларида ёрдамчи антенналар учун иншоотлар қурилиб, тайёрлаб қўйилган. Фақат айрим асосий қисмлар келмай турибди, холос, — дейди МТС тизими муҳандисларидан бири Маматхон Сулаймонов.

— Чиндан ҳам, бундай эҳтиёт қисмлар фақат хориждан келтирилади. Мижозларимизга хизмат сифатини янада яхшилаш учун имкониятимиз доирасида барча ҳаракатларни қилаяпмиз. Антенна қисмлари келиши билан ёрдамчи пунктлар ишга тушади, — дея изоҳлади сотув ва мижозларга хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи А. Захарьян.

Мухтор АЛИЕВ
“Диёнат”(Наманган),
15.01. 2009 йил.

ИБРАТ

Президентимиз раҳнамолигида тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга доир қарор ва кўрсатмалардан илҳомланган кўпгина замондошларимиз инсон манфаати йўлида холисона хизмат қилиб келишмоқда. Масалан, Зуҳриддин Омонов раҳбарлик қиладиган “ШЗФ-Иттифоқ” фирмасида ишлаб чиқарилаётган дока, сочиқ, сатин, бўз, сурп каби маҳсулотлар ўзининг сифатлилиги билан аҳолига манзур бўлмоқда. Бундан ташқари фирмага қарашли озиқ-овқат, гўшт, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш дўконлари, ошхона ва чойхоналар истеъмолчиларга намунали хизмат қилиб келмоқда. Жамоа аҳли байрам кунларида эса истеъмолчиларнинг манфаатини кўзлаб дўконда сотилаётган мол гўштининг бир килограммини 5 минг сўмга, қўй гўштини эса 6 минг сўмга туширишди.

— Бизнинг мақсадимиз аҳолига хизмат қилиш экан, ишлаб чиқарилган маҳсулотларимизни қанчалик арзон сотсак, уларнинг талабини қондирган бўламиз. Маҳсулотларимиз нархини янада арзонлаштириш ниятидамиз, — дейди корхона иш юритувчиси Шаҳобиддин Омонов.

Фирманинг ишларидан бошқа тадбиркорлар ҳам ибрат олса арзийди.

М.ИСМОИЛОВ
“Боботоғ тонги”(Сурхондарё),
01.01. 2009 йил.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва ахборот кўмагида тайёрланди.
Лойиҳа: «Матбуот — давр кўзгуси».

АВВАЛИ

Гимназия мадрасасида

Августнинг 19 нчисида Тошкент шаҳридаги ўғул болалар ўқуйдурғон гимназия мадрасасида 11 нчи соатда улуғлар ва ҳокимлар ва ул болаларнинг ота ва оналари жамъ бўлуб ул мадрасада ўқуғон болаларнинг таҳсили ва навъ таҳсилга таълиқ ишлар хусусида бўлғон тазкирани истемоъ қилдилар. 11 соатда мазкур улуғлар йиғилиб турғон вақтда Туркистон генерал губернатори генерал адйутант жаноб Розенбах ташрифи қудум қилғон вақтларида музика ўйнаб турулди. Ул жаноб мадрасага кириб андағи ҳозир шогирдлар бирлан омонлашдилар. Бир муалим ўрнидан туруб ул мадрасада бир йилдин бери таҳсил ва анга таълиқ ишлар хусусида йозилиб босма бўлғон дафтарни ихтисоран жаҳрийа ўқуди. Мазмуни шулким, мазкур мадрасада қанча муалимлар ва қанча шогирдлар ва ҳар қайсилари қайси илмни таҳсил қилғон ва алар ҳаражоти учун подшоҳликдин қанча пул сарф бўлинғон ва алар таҳсили учун аҳли саҳоват одамлар қанча пул хайр-эҳсон қилғон ва алар таҳсили илмда не тариқа саъйи қилғон ва бошқа хусусларида ўқуб ўлтурғон одамларға эшитдурдилар.

Ул мадрасада ҳар хил илмлар таълим бергучи муалимлар ҳисоби 18 ва шогирдлар 249 экан. Ва бул шогирдлар учун ўн бир дарсхона бор экан. Алардин мусулмон болалари ўн уч ва жуҳуд болалари беш, ва бошқа мазҳаб болалари ўн бир ва ики йуз қирқ ўрус болалари бор экандурлар. Алардин бир йуз саксон тўқуз бола йахши ўқуғонлари сабабдин паст дарсхонадин баланд дарс хонаға кирибдурлар. Алардин тўқузиға йахши ўқуғонлиқлари учун гувоҳнома ва ҳам ҳар хил китоб инъом ва ўн олтисиға махз гувоҳнома берилди. Ва эллик икиси бесаъйи ўқуғонлари сабабдин бир йилдин бери ўқуғон дарсларини такрор ўқумоқ учун паст дарсхонада қолибдурлар. Ва ҳар хил боисдин эллик сакизи мадрасадин хориж ва саксон олти йангидин доҳил бўлубдурлар. Ва сакизи мутлақ хатм қилиб университет деган катта мадрасада таҳсил қилмоқ учун Петербурғ ва Масков ва бошқа шаҳарларға кетибдурлар. Ул сакизнинг бири рушди баландлигининг аломати учун тилла медал ва бири кумуш медал олибдур. Ва мусулмон болаларидин Жонбой Содиқбой ўғли ва Тўрақул Худойберган ўғли ва Муродқосим Мирза Наъим ўғлиға ҳам йахши ўқуғонлиқлари учун гувоҳнома берилди. Агар чандига мазкур мадрасада ҳар хил илмлар ва ҳар хил тиллар, чунончи русия ва фаранг ва немитс ва йунон ва лотин тиллари ва жаҳоннома ва илми турарбах ва илми ҳисоб таълим бериладур. Ва мунча илмлар таҳсил қилмоқ оғирроқ бўлса ҳам мусулмон болаларини таҳсил қилмоқлари мумкин экандур. Чунончи йуқорида зикр қилдуққим алардин бир нечаларига хатто йахши ўқуғонлиқлари учун гувоҳнома берилди деб. Ва ҳам ўз тарафимиздин маслаҳат берамиз ҳар қайси мусулмон ўз болаларини мазкур мадрасага ўқумоқ учун бермоқни ихтийор қилсалар йахшироқ шулким сакиз ва тўқуз йашар вақтларида берсалар русийя тилини йэнгилроқ ўрганмоқлариға кўб нафъ бўлур эрди.

“Туркистон вилоятининг газити”
25 август 1884 йил.

Нашрга тайёрловчи: Аъзам УМАР

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИ ДИҚҚАТИГА!

Ҳақиқат қарор топсин

Ўтган йили Президентимиз Фармойиши билан фермер хўжаликларининг ери йириклаштирилаётгани ҳақидаги хабар бизни ҳам хурсанд қилди, албатта. Юракдан қувондик. Лекин бу иш ҳудудимизда Фармойиш талаблари асосида эмас, балки таниш-билишчилик бўйича олиб борилгани бизни ранжитди. Ким катталар кўнглига ёқса, ўшанга ер берилди. Фермернинг кўрсаткичлари, рентабеллик даражаси, ҳосилдорлиги ва ташкилотчилигига мутлақо эътибор берилмади.

Масалан, биз — “Эломонов Маъруф Зарипович” фермер хўжалиги раҳбари Зариф Жалилов, “Бердиев Жавлон Ферузович” фермер хўжалиги раҳбари Феруз Жумаев, “Йўлдошев Тошпўлат Абдуназарович” фермер хўжалиги раҳбари Абдуназар Йўлдошев ва “Қурбонов Лочин Ҳамидович” фермер хўжалиги аъзоси Ҳамит Қурбоновлар бирлашиб, йирик фермер хўжалиги тузиш бўйича туман ҳокимлигига ўз таклифимиз билан чиқдик. Бунинг сабаблари ҳам бор, албатта. Сабаби бизнинг кўрсаткичларимиз яхши, ер ва сув йўли йўналишимиз бир. Бу Президентимиз Фармойишига тўла мос келади. Аммо Қарши тумани ҳокимлиги, йириклаштириш комиссияси бу таклифни инобатга олмади. Бошқа контур, сув йўли ҳам бошқа томонда бўлган “Озод” фермер хўжалиги раиси Ибодулла Зиёдовга ерларимизни қўшиб юборди.

Энди Ибодулла Зиёдов фаолиятига тўхталсак. У илгари ўзи раҳбарлик қилган фермер хўжалигини зўрға юритган. Ҳар йили пахта тайёрлаш шартнома режасини қўшни фермер далаларидан хомашё териб бажарган. Рентабеллик даражаси паст. Мабодо, унинг кейинги тўрт йиллик фаолияти таҳлил қилиб кўрилса, йирик фермер хўжалигига раҳбар бўлиши мумкин эмаслиги яққол маълум бўлади. Ваҳоланки, одамлар, эл-улус унинг қандай иш юритганини яхши билади. Бизни ҳайрон қолдиргани шундаки, нега ерини аранг эплаб юрган кишига туман раҳбарлари ён босди?

Биз шу масалада туман ҳокими қабулига кирдик. Ҳоким Ҳасан Омонов Ибодулла Зиёдовнинг устун жиҳатлари ва унга ер берилиши сабабларини асослаб бера олмади. Балки бизнинг ақлимиз етмаётган жиҳатлар ҳам бордир, дея ўйланиб қолдик. Хўш, унда Ибодулла Зиёдовга “йирик ер эгаси” деган мақомни беришда қандай жиҳатлар асос қилиб олинди? Қайси меъёрий ҳужжатлар талабларига амал қилинди? Буни бизга афсуски, ҳеч ким тушунтириб бера олмаяпти.

Гап биз, яъни — Зариф Жалилов, Феруз Жумаев, Абдуназар Йўлдошев ва Ҳамит Қурбонов ҳақида борганда эл ишончини қозонишга, зиммамиздаги масъулиятни ҳис этишга ҳаракат қилганмиз. Президентимиз ҳам ер эгаси бўлиши керак бўлган инсонларга шундай хислатлар хос бўлиши лозимлиги тўғрисида доимо куюниб гапирадилар-ку!

Адолатсизликнинг каттакичиги бўлмайди. Биз кўзимиз билан кўриб, юракдан ачиниб, ушбу масала юзасидан туман ва вилоятдаги бир неча идораларга мурожаат қилдик. Аммо бирор натижа бўлмади.

Бизнинг истагимиз мамлакатимизда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар самараси янада ривожлансин. Ҳақиқий фидойи инсонларнинг имкониятлари чекланмасин. Ҳақиқат кеч бўлса-да қарор топсин.

Абдуназар ЙЎЛДОШЕВ,
Зариф ЖАЛИЛОВ,
Феруз ЖУМАЕВ,
Ҳамит ҚУРБОНОВ,
Қарши туманидаги “Кожор” қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Боғот қишлоғида истиқомат қилувчи собиқ Фермерлар.

Очиқ акциядорлик тижорат банк

“ПАХТА БАНК”

бош офиснинг юридик бошқармасига
ёш мутахассисларни танлов асосида
ишга таклиф этади

Номзодларга қўйиладиган асосий талаблар:

Олий юридик маълумотга эга бўлиши;
Компьютерда мустақил ишлай олиш (WORD, EXCEL);
Ўзбек ва рус тилларини мукаммал билиши, шунингдек чет тилларини ўзлаштиргани;
Илгари ишлаган бўлса охирги иш жойидан ижобий тавсиянома;
Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турган бўлиши:
Резюме (анкета) WORD форматида (Times New Roman шрифтида).

Номзодлар ўз резюме (анкета)ларининг электрон вариантини эълон чиққан кундан бошлаб жорий йилнинг 1 февралига қадар қуйидаги электрон манзилга юборишлари лозим:

e-mail: **Lawdepartment@pakhtabank.com**

Фаолият хизмат сафари билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Изоҳ: *мазкур эълон банкка номзодларни ишга олиш мажбуриятини юкламайди.*



Маълумот учун телефонлар: (+99871) 150-53-64, 998 71 150-53-61.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ТАЪЛИМ ДАРГОҲЛАРИДА

Изланиш самарасиз бўлмайди

Жўра Муродов бундан олти йил муқаддам Бешкент қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежига директор бўлиб келганида, ўқув базаси ночоргина, қишлоқ ҳунар техника билим юртидан мерос қолган бино анча таъмирталаб бўлиб қолганди. У бошқаларга ўхшаб ўқув даргоҳини таъмирлаб беришни сўраб юқори ташкилотларга мурожаат қилмади. Ишни жамоанинг кучи билан энг зарур хоналарни таъмирлашдан бошлади. Юртбошимизнинг янги коллежлар бунёд этиш, мавжудларини қайта реконструкция қилиш, ёшларга жаҳон андозалари даражасида билим берадиган ўқув юртига айлантириш тўғрисидаги кўрсатмаларига асосан Бешкент қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи ҳам мукаммал таъмирланди. Ўқув юрти устахонаси бутунлай янги ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди.

Директорнинг Тошкентда бўлиб ўтган тендерларнинг бирида қиймати қарийб бир миллиард сўмлик Япониянинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашга оид асбоб-ускуналарини ютиб олиши билим даргоҳи нуфузини янада оширди. Хориждан чорва молларини сунъий қочиришга мўлжалланган турли-туман ускуналар, музлатгичлар, чорва моллари касалликларига қарши ишлатиладиган жиҳозлар келтирилди. Шунингдек, кунчиқар юртдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган, консервалайдиган ўнлаб асбоблар олиб келинди. Талабаларнинг фермер хўжаликлари далаларига бориши учун 30 ўринлик “Ниссан” русумли автобус ҳам олинди. Буларнинг ҳаммаси ўқув жараёнларига янгича ёндашиш имконини берди. Эндиликда талабалар хориждан келтирилган ускуна ва жиҳозлар ёрдамида машғулотлар давомида олинган билимларини амалиётга татбиқ этаяптилар.

Шунингдек, Германиядан 20 та “Брайзер” русумли тикув машинаси олинди. Уларнинг ҳар бири 20 турдаги юмушларни бажаради. Бу ҳаммаси эмас. Германиядан иккита компьютер ёрдамида бошқариладиган тикув машинаси, иккита тайёрланаётган буюмларнинг чокини тикадиган, иккита дазмоллаш стол ускуналари келтирилди, тикилаётган буюмнинг катта-кичиклигини ўлчаб берадиган иккита манекен ҳам олинди.

Коллеж маъмурияти тавсиясига кўра, 30 нафар бўлажак чевар тикув машиналарини бошқариш учун Германияда бир ой ўқиб қайтди. Бугун улар хорижда орттирган тажрибаларини, олган билимларини мазкур даргоҳда таҳсил кўраётганларга бажонидил оммалаштирмоқдалар.

Коллежда деҳқончилик, қишлоқ хўжалиги техникасини ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш, автотранспорт воситаларини таъмирлаш, бухгалтерия ҳисоби, тикувчилик, дурадгорлик мутахассисликлари бўйича ҳам машғулотлар олиб борилади ва касбга ўргатилади. Ўқув юрти жамоаси жонбозлиги туфайли устахонага “Нексия”, “Матиз”, “Дамас” ва Самарқандда ишлаб чиқарилаётган “Исузу” русумли автомашиналарнинг двигателлари келтирилган. Талабалар автомашиналарнинг чизмалари, макетлари билан танишгач, бу ерда бевосита машиналарнинг двигателларини ишга тушириб кўрадилар, қисмларга ажратиб, йиғадилар.

Шунингдек, ўқув жараёнларини янада такомиллаштириш, кичик бизнес билан шуғулланиш ҳисобига ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилаяпти. Коллеж раҳбари Германияда 40 кун бўлиб, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари фаолияти, ўқув, ишлаб чиқариш жараёнлари, талабаларнинг амалиётни ўташ тартиблари, уларни ўқув юртини битиргандан сўнг ишга жойлаштириш шароитлари билан атрофлича танишиб қайтди. Шунингдек, Франциядаги ишлаб чиқариш корхоналари, меҳнат биржалари фаолиятини ўрганди ва амалиётга татбиқ этиш режаларини тузди. Айни пайтда бу режалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ўқув юртида 11 та бўлим мавжуд. 1078 нафар ёшлар турли касбларни ўрганмоқда. Талабаларнинг ҳеч бири ўқув юрти маъмуриятининг назаридан четда қолгани йўқ. Уларнинг қандай билим олаётгани, ҳунар ўрганаётгани, дарсдан ташқари вақтда нималар билан банд бўлишлари доимий назорат қилиб борилади.

Ёшларнинг спорт билан шуғулланишларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Кейинги вақтда замонавий қишки спорт залига бир миллион сўмликдан ортиқ жиҳозлар ўрнатилди.

Ўқув юрти раҳбари Жўра Муродов вилоят белбоғли кураш федерациясининг раиси сифатида ҳам фаолият кўрсатади. Шу боис коллежда классик кураш, юнон-рум кураши бўйича ҳам секцияларда мунтазам иш олиб борилади. 2008 йилда Нукус шаҳрида ўтган мусобақаларда Жамшид Одилжонов, Баҳодир Ҳамроқулов каби талабалар совринли ўринларга сазовор бўлдилар.

Яқинда бу ерда яна бир янгиликка қўл урилди. Автомашина ҳайдашга ўргатадиган курслар ташкил этилди.

—Талабалар автомобилларни созлаш, бошқаришни билсалару, машинани бошқаришга ўргатилмаса, олаётган таълими кемтикка ўхшаб қоларди, — дейди коллеж раҳбари. — Ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарлари ёрдами билан бу масала ҳал этилди. Эндиликда коллежни битираётганлар диплом билан биргаликда ҳайдовчилик гувоҳномаларини ҳам оладилар.

Директорнинг шахсий ташаббуси билан коллежда дурадгорлик цехи ташкил этилди. Цехда ёғочни қайта ишлайдиган, пардоз берадиган асбоб-ускуналар ўрнатилди. Айни пайтда бу ерда ўнга яқин турдаги эшик ва ромлар, хонтахта, стол ва стуллар, мактаб парталари ва бошқа турмушимизда зарур бўладиган буюмлар тайёрланиб, сотувга чиқарилмоқда. Дурадгорлик цехидан келадиган маблағ усталарга, иш жараёнида иштирок этган талабаларга иш ҳақи сифатида берилаяпти.

Бешкент қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг изланувчан жамоаси ёшларга ҳунар ўргатиш билан бирга, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларига ҳам ёрдам бераяпти.

Пўлат ГАДОЕВ,
“Hurriyat” мухбири. ®



МИЛЛИОНЕР ОЗОД ЭТИЛДИ



Грециядаги энг бой одамлардан бири Периклис Панагопулос шу йилнинг 12 январь куни ўғирлаб кетилганди. Кеча эрталаб у топилди. Полиция вакиллари у қандай ҳолатда озод этилгани ҳақида ҳеч нарса демади. Миллионернинг яқинлари гапига таяниб France Presse тарқатган хабарда айтилишича, Периклис 15-20 миллион доллар гаров пули эвазига уйига қайтган.

74 ёшли Периклис Панагопулос паромда юк ташиш билан шуғулланадиган Attica Group компаниясини 2007 йилда 300 минг еврога сотганди.

МАҲМУД АББОС ТАШАББУСИ

ФАТХ етакчиси Маҳмуд Аббос Фаластинда коалицион ҳукумат тузиш ташаббуси билан чиқди. Унинг айтишича, бу ҳукумат таркибига ФАТХ ва ХАМАС вакиллари киради. Кейин эса президент ва парламент сайловлари ўтказилади. “Фаластинда тинчлик ўрнатиш учун биз бирлашишимиз керак”, — деди Аббос.

Ҳозирда ФАТХ Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғини, ХАМАС эса Ғазо секторини назорат қилиб турибди. 2008 йилда Араб давлатлари иштирокида гуруҳларни келиштириш бўйича бир неча марта музокаралар олиб борилган бўлса-да, бирор натижага эришилмади.

2009 йилнинг бошида Маҳмуд Аббос президент ва парламент сайловларини бир вақтда ўтказиш баҳонасида ўз ваколат муддатини бир йилга узайтирди. Аммо ХАМАС вакиллари буни тан олишни истамаяпти.

ЖАНГОВАР КЕМАЛАР ТАЙЁР



Сингапурда кўзга кўринмас Formidable классидаги кемаларнинг олтинчиси денгизга туширилди. Бу ҳарбий кемалар 2000 йилда Франция ва Сингапур давлатлари ўртасида тузилган шартнома асосида яратилди. Биринчи кема Франциянинг Лориент шаҳрида қурилганди. Қолган бештаси эса франциялик мутахассислар назоратида Сингапурда тайёрланди.

Шундай қилиб, кўзга кўринмас кемаларнинг олтитаси ҳам жанговар вазифаларни бажаришга тайёр. Сингапур денгиз мамлакати бўлгани учун қўриқчи кемаларга жуда муҳтож эди. Баъзан мамлакат портларига келаётган юк ва йўловчи кемалар қароқчилар ҳужумига учрарди. Энди эса уларни ҳимоя қилиш имкони туғилди.

Ушбу кемалар 76 миллиметрли пушка, Harpoon ракеталари, A244/S Mod 3 торпедолари, Sylver A50 зенит тизими билан қуролланган. Шунингдек, уни денгиз радарлари ёрдамида аниқлаш ҳам анча қийин.

ИШГА МАСТ ҲОЛДА КЕЛИШ МУМКИН

Перу олий суди ишга маст ҳолда келган ходимни ишдан бўшатиш қонунга хилоф деган қарор чиқарди. Бу ҳақда BBC News хабар тарқатар экан, қуйидаги мисолни келтириб ўтди. Бундан беш йил бурун ташкилотлардан бирида фаррош бўлиб ишловчи Пабло Кайо ишга маст ҳолда келгани учун вазифасидан бўшатилган эди. Олий суд шу масалани ўрганиб чиқиб, фаррош ноқонуний бўшатилган деган қарорга келди. Гап шундаки, Кайо маст ҳолда келган бўлса-да, ўз вазифасини тўла бажарган. Ҳеч кимга зарар келтирмаган.

Мамлакат меҳнат вазири Хорхе Вильясанте воқеани шарҳлар экан, бу қарор бошқалар учун ёмон мисол бўлиши мумкинлигини таъкидлади.

ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛГАН

Россия мудофаа вазирлигидан олинган хабарларга қараганда, 2008 йилда хизмат вазифасини бажараётган вақтда ва хизматдан бўш пайтда 471 нафар ҳарбий хизматчи вафот этган. Энг ачинарлиси, ҳалок бўлганларнинг салкам ярми, яъни 231 нафари ўз жонига қасд қилган.

Таъкидлаш жоизки, Жанубий Осетиядаги тўқнашув пайтида Россия 48 нафардан 71 нафаргача аскаридан айрилган. Шунингдек, 121 аскар бахтсиз тасодиф туфайли, 50 аскар йўл ҳаракати қоидаси бузилиши, 26 аскар хавфсизлик қоидаларига амал қилмагани, 24 аскар ҳарбий хизматчилар ўртасидаги жанжаллар ва 19 аскар қурол билан ишлаш қоидасини бузганлиги оқибатида ҳаётдан кўз юмган.

ГЕРМАНИЯДАН ПАНОҲ ТОПДИ

Грузиянинг собиқ мудофаа вазири Ираклий Окруашвилининг яқин дўсти, ишбилармон Кибар Халвашига Германия ҳукумати сиёсий бошпана берди.

Бу ҳақда “Интерфакс” мухбирига ишбилармоннинг адвокати Дмитрий Габуния хабар қилди.

Эслатиб ўтамиз, Окруашвилининг ўзи Франциядан сиёсий бошпана топган. У мамлакат президенти Михаил Саакашвили билан келишмай қолгани учун Грузиядан чиқиб кетган эди. Аммо уни мамлакат суди сиртдан 11 йилга озодликдан маҳрум қилган.

ЕВРОҲУДУД КЕНГАЙДИ

Кеча Словакияда миллий валюта бутунлай муомаладан чиқарилиб, барча операциялар еврода амалга оширила бошланди. Словакия шу йилнинг биринчи январидан расман евроҳудудга кирди. Аммо шунга қарамай, бир неча кун миллий валюта ҳам муомалада бўлди. Slovakia International радиоси хабарларига қараганда, мамлакат марказий банки 72 фоиз банкнотларни йиғиб олишга муваффақ бўлган. Аҳоли қўлида яна 43 миллиард крон (1,4 миллиард евро) бор.

Марказий банк тарқатган хабарда айтилишича, шу йилнинг июнигача танга пулларни, йил охиригача қоғоз пулларни бемалол алмаштириш мумкин. Словакия евроҳудудга ўтган 16-мамлакат бўлди.

ЛУИ КОЛЕНИНГ ҒАРОЙИБ РЕКОРДИ

Франциянинг жанубидаги Перпиньян шаҳрида асли каталониялик бўлган Луи Коле исмли шахс ҳаммани ҳайратга соладиган рекорд ўрнатди. У кўплаб одамлар олдида 124 соат, яъни беш кеча-ю, беш кундуз ва яна тўрт соат тинмасдан гапириб турди. Бу иши туфайли Луи Гиннес рекордлар китобига кирди.

Воқеа гувоҳларининг таъкидлашича, Луи Коле асосан Каталония маданияти ва ўзининг севимли рассоми Сальвадор Дали ижоди ҳақида гапирган.

“Бу мен учун ажойиб кун бўлди ва ўз рекордимни Каталония тили ва маданиятини ҳимоя қилаётганларга бағишлайман”, деди рекордчи.

Тинмасдан гапириш бўйича рекорд шу пайтга қадар ҳиндистонлик кишига тегишли эди. У 120 соат тинмасдан гапирганди.

ИШЧИЛАР КЕРАК

Лондондаги Олимпиада шаҳарчаси ва спорт объектларини



қуриш ишларига қўшимча 30 минг нафар ишчи керак бўлади. Бу ҳақда ташкилотчилар баёнотига асосланиб, BBC хабар тарқатди. Ҳозирги пайтда Олимпиада шаҳарчасида 7 минг нафар киши иш билан банд. Уларнинг 57 фоизи мамлакат пойтахтидан қатнаб ишлаяпти. 23 фоиз ишчилар эса шаҳарча яқинида истиқомат қилишади. Қурилишда банд бўлган ҳар ўн ишчидан биттаси илгари ишсиз эди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йилнинг охирида Буюк Британияда ишсизлар сони 1 миллион 864 минг нафарни ёки меҳнатга лаёқатли аҳолининг 6 фоизини ташкил этди. Экспертлар жаҳон иқтисодий инқирози тугагунча ишсизлар сони 3 миллион нафарга етишини башорат қилишмоқда.

БАНККА ҲУЖУМ

Швейцариянинг Цюрихдаги энг йирик банки UBS қароргоҳига 30 нафарга яқин одам ҳужум қилди. Полиция вакилининг гапига кўра, улар банк деворларига турли хил ҳаёсиз сўзлар ёзишган, бир нечта автомобиль ғилдиракларини ёқиб юборишган. Ҳужум қилганлар нима учун бу жиноятга қўл ургани ҳозирча номаълум. Уларнинг иккитаси полиция томонидан қўлга олиниб, сўроқ қилинмоқда.

УНИВЕРСИТЕТ 800 ЁШДА

Буюк Британиядаги энг кекса олий ўқув юртларидан бири Кембриж университети ўзининг 800 йиллигини нишонламоқда. У мамлакатда Оксфорд университетидан кейин ташкил топган иккинчи билим юрти ҳисобланади. Ушбу университетда Исаак Ньютон, Чарльз Дарвин ва бошқа кўплаб дунёга машҳур олимлар таълим олган.

Кеча университет юбилейига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Унда шу олий ўқув юртининг собиқ талабаси, композитор Фил Ирис томонидан яратилган мусиқа янгради. Кембриж университети дунёдаги бешта энг обрўли олий ўқув юртларидан бири ҳисобланади. Уни битирганларнинг 83 нафари Нобель мукофоти лауреатлари бўлишган. Университет юбилейи йил бўйи давом этади.

Вақт ўз баҳосини беради

(Бошланиши 1-бетда.)

Обаманинг Оқ уйга келиши билан Жорж Бушнинг саккиз йиллик давлат раҳбари сифатидаги фаолиятига нуқта қўйилди. Хўш, Буш жаҳон ва мамлакат ҳаётида қандай из қолдирди? Унинг лавозимдан кетишини ким, қандай кутиб олаяпти? Дунё матбуоти, сиёсатчилар бу масалага муносабат билдириб, ўз баҳосини беради, албатта.

Лекин шуни бемалол айтиш мумкинки, Буш Америка тарихида энг обрўсини йўқотган президент сифатида қолади. Уни бугун мамлакат аҳолисининг бешдан бир қисми ҳам қўллаб-қувватламаяпти. Нима учун шундай бўлди? Нега америкаликлар бундан тўрт йил бурун сайлаган президентларидан юз ўгиришди?

Бунинг бир неча сабаблари бор. Бушнинг обрўси тўкилишига унинг Ироққа уруш бошлагани биринчи сабаб бўлди. У Саддам Ҳусайн режими атом бомба ишлаб чиқармоқда, дунё тақдири хавф остида дея жар солганди. Аммо бир неча йилдирки, Ироқдан атом бомба топилмади. Лекин бу жафокаш мамлакатда бошланган уруш туфайли юз минглаб тинч аҳолининг ёстиғи қуриди. Миллионлаб гўдаклар отасиз, онасиз қолди. Шу билан бирга, минглаб америкалик аскарлар ҳам ўзга юртда жон таслим қилишга мажбур бўлди.

Собиқ шўролар тузими тарқалгандан сўнг дунёда совуқ уруш олови ўчган, одамлар енгил нафас ола бошлаган эди. Аммо Буш Европага АҚШ ракетага қарши тизимини ўрнатиш ташаббуси билан чиқди. Россия ҳам бунга қарши чоралар кўришга киришди. Натижада ядро қуролига эга бўлган дунёдаги энг йирик икки давлат ўртасига совуқчилик тушди. Афсуски, вазиятни юмшатишга ҳали анча вақт керак бўлади.

Бугун жаҳон иқтисоди кейинги эллик йилдаги энг йирик инқирозни бошидан кечирмоқда. Шуниси қизиқки, бу инқироз ҳам айнан Буш президентлик қилган давр ва давлатдан бошланди. Бугун унинг жабрини дунёдаги деярли барча мамлакатлар тортмоқда.

Сиёсатчилар кейинги 40 йилда Лотин Америкаси ҳамиша АҚШнинг манфаат ҳудуди бўлиб келганини таъкидлашмоқда. Аммо Буш президентлик қилган даврда бу ҳудудга Россия ҳарбий самолётлари ва кемалари кириб келди. Кириб келдигина эмас, биргаликда ҳарбий машқлар ўтказди. Лотин Америкаси мамлакатлари йўлбошчилари тўғридан-тўғри Буш олиб борган сиёсатдан норози эканликларини билдиришаяпти. Албатта, бу ҳолат ҳам унинг обрўси пасайиб кетишига сабаб бўлди.

Яна бир масала. Мана, бир неча йилдирки, АҚШ ва бирлашган коалицион кучлар Афғонистонда террорчиларга қарши уруш олиб бораяпти. Лекин бундан кўпроқ тинч аҳоли зарар кўраяпти. Толиблар эса ҳамон курашни давом эттиришаяпти. Энг ачинарлиси, Афғонистонга АҚШ кучлари киргандан сўнг мамлакатда наркотик моддалар етиштириш рекорд даражага етди. Дунё террорчилари бошлиғи Усама бин Лодин эса ҳамон топилгани йўқ.

Шу ўринда АҚШнинг қирқ учинчи президенти билан бўлган сўнгги можаро ҳақида ҳам икки оғиз тўхталиб ўтсак. Маълумки, ўтган йилнинг 14 декабрь куни Жорж Буш кутилмаганда Ироққа келди ва бош вазир Нури ал-Маликий билан учрашувдан сўнг иккаласи матбуот анжумани ўтказишди. Залга анчагина оммавий ахборот воситалари ходимлари йиғилган эди. Кутилмаганда журналистлардан бири оёғидан ботинкасини ечиб Буш томон улоқтирди. Лекин Буш эгилиб қолгани учун ботинка унга тегмади. Шунда мухбир иккинчи ботинкасини ҳам АҚШ президенти томон отди. Сўнг Оқ уй раҳбарини ҳақорат қилди. «Бу ироқликлардан совға... Бу тул аёллар, етим болалар, Ироқда ким вафот этган бўлса, ҳаммасидан совға», деди у.

Маълум бўлишича, бу журналист «Ал-Бағдодия» телеканали мухбири экан. Маълумотларга қараганда, Мунтазер ал-Заидий ҳозир қамоққа олинган. Ироқ қонунларига биноан, у бошқа давлат раҳбарига ҳужум уюштирган жиноятчи сифатида камида икки йилдан етти ярим йилгача, айрим матбуот хабарларига қараганда 15 йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

Вақт ўтган сайин Ироқ ва бошқа араб мамлакатларида Мунтазер ал-Заидий тарафдорлари кўпайиб бормоқда. Ўз вақтида Саддам Ҳусайнни ҳимоя қилган адвокат Халил ад-Дулеймий журналистни судда ҳимоя қилишга тайёр эканини билдирди

Унинг таъкидлашича, ҳозирда мамлакатдаги 200 дан кўпроқ адвокат мухбирга бепул хизмат кўрсатишга тайёр. Бундан ташқари, Араб адвокатлар уюшмаси 29 ёшли журналистни қўриқлаш ва ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган махсус халқаро қўмита тузди

Бировга оёқ кийим отиш арабларда гуноҳ ҳисобланади. Шундай бўлса-да, ўша воқеадан сўнг Интернетда кўплаб оёқ кийим отиш ўйинлари пайдо бўлди. Шулардан бири «Бушни туфли билан ур», деб номланган. Хуллас, Бағдодда бўлиб ўтган воқеа, мана, бир неча кундирки, жаҳон оммавий ахборот воситалари, газета ва журналлар, телерадиоканаллар, Интернет сайтлар саҳифасидан тушмай келаяпти. Аслида, бу воқеа ҳам Бушнинг президентлик даврига берилган бир баҳодир.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

“МИКРОКРЕДИТБАНК” – тадбиркорлар учун пиллапоя

“Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг ҳар бир филиали тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, улар таклиф этаётган инновацияларни молиялаштириш борасида самарали ишларни амалга ошириб келмоқда. Буни биргина молиявий муассасанинг Хива филиали мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур банкда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларига яратилаётган қулайликлар хусусида филиал раҳбари Арслон МАДРИМОВга бир нечта савол билан мурожаат этдик.

— Арслон Абдураимович! Ўтган йил сизлар учун қандай воқеалар билан эсда қолди?

— 2008 йил молиявий муассасамиз учун самарали натижаларни ҳадя этди. Микромолиявий ташкилотимиз Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони асосида ташкил этилганини назарда тутадиган бўлсак, ўтган йиллардаги кўрсаткичларимиз салмоқли ишлар амалга оширилганидан далолат бермоқда. Умуман, ўтган икки йил давомида банкимиз активлари миқдори 3,5 баробар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш ҳажми — 4 баробарга ошди ва бу мақсадларга 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. 2008 йилнинг 10 ноябрида мамлакатимиз раҳбарининг “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилингани ҳам фаолиятимиз ривожланишига кўмак бераяпти.

Филиалимизда, аввало бу қадимий шаҳарда сайёҳликни ривожлантиришга, қолаверса, Хоразм вилоятининг шу ҳудуддаги барча қишлоқлар аҳолисининг микромолиявий хизматларидан кенгроқ фойдаланишига имкон яратиш учун хизмат қилмоқда. Шуни қониқиш билан таъкидлаш керакки, ўтган йил давомида жами берилган кредит қўйилмалари 2 млрд. 335 миллион 500 минг сўмни ташкил этди. Мижозлар сони икки баробарга ошди. Нақд пул тушуми ҳам 2007 йилга нисбатан икки баробар кўпайди. Энг қувончли томони — аҳолининг омонат жамғармаларига қўйган маблағлари миқдори уч баробарга ошди.

— Аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларнинг омонатларга жалб этилиши банк учун қандай ижобий натижалар бермоқда?

— Нақд пул тушумларининг кўпайиши банкнинг мижозлари учун янада яхшироқ имкониятлар яратиб берди. Аҳоли бўш пул маблағларини банкда сақлаяптими, бундан банкка ҳам, мижозга ҳам фойда. Бундан одамларнинг молиявий муассасамизга ишончи ортиб бормоқда, деган хулоса чиқариш мумкин. Қисқа муддат ичида банкимиз шаклланиб, хизмат кўрсатиш маданиятига эришаётган экан, бундан иқтисодиётимизнинг яна ҳам мустаҳкамланишига ишончим комил.

— Маълумки, “Микрокредитбанк”нинг энг муҳим вазифаларидан бири — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Микросармоялар туфайли қандай ижобий ишлар амалга оширилмоқда?

— Эътибор қилган бўлсангиз, микрокредит — сўзининг ўзи ҳам бериладиган сармояларнинг ҳажми кичиклигини англатади. Бироқ, сармоялар кичик бўлгани билан улар берадиган натижа катта бўлиши керак. Бундай кредитлар кўпинча тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун ишлатилади. Тадбиркорлик ўзанига тушиб кетганидан кейин уни кенгайтириш учун яна алоҳида микрокредитлар олиш мумкин бўлади.

Микросармоялар олиб иш бошлаган тадбиркорлар фаолиятига назар ташланса, бир қатор ижобий натижалар қўлга киритилаётганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Масалан, «Олмос» хусусий фирмасининг раҳбари Клара Ҳусаинова сайёҳларга хизмат кўрсатиш фаолиятини аввалига 3 миллион сўм маблағ олиб бошлаган эди. Кейин фирманинг хизмат доираси кенгайди ва 5 миллион сўм микрокредит олди. Ҳозирда ёдгорликлар мажмуасига кириш жойида хизмат кўрсатаётган фирма дўконларидан сайёҳлар ўзлари учун керак бўладиган оддий ичимликлардан тортиб, юртимизни эслатиб турадиган, пухта ишланган эсдалик буюмларигача харид қилиши мумкин. Шу пайтга қадар “Олмос”да иккита иш ўрни ташкил этилган эди. Ҳозир Клара Ҳусаинова халқ ҳунармандчилиги асосида совға буюмлари ишлаб чиқарадиган корхона очиш тараддудида юрибди. Демак, янги микрокредит эвазига яна кўплаб иш ўринлари очилишига шубҳа йўқ.

Мехрибон Маткаримова гилам тўқиш цехини очган. Унда 17 киши меҳнат қилмоқда. Тадбиркор банкдан олган 500 000 сўм микросармояга асосан хомашё — ипак сотиб олди. Натижада экологик жиҳатдан тоза ва асрлар давомида ҳам ўз қимматини йўқотмайдиган гиламлар тўқиш йўлга қўйилди. Корхона ҳовлисига кириб борганда деворнинг ҳар-ҳар жойида илашиб турган турли рангдаги енгил ипак тўпламларига кўзингиз тушади. Атрофдаги хоналарда эса жадал иш кетаяпти, яъни ипак тўпламлари йигирилиб гиламлар тўқилаяпти, кашталар тикилмоқда.

Асосан ипакдан тўқилган гиламлар ғоят чидамли ва чирсиллилиги билан донг чиқарган. Унинг ранглари ҳам табиий — ёнғоқнинг пўстидан, пиёзнинг пўстлоғидан, тут, олма ва бошқа дарахтларнинг япроғидан олинади ва деворга илиб қўйилган ҳолда узоқ вақт мобайнида қуритилади. Хива ёдгорликларини томоша қилган сайёҳлар аввало, бу гиламларни харид қилиш билан бирга, унинг яратилиш жараёнини ҳам ўз кўзлари билан кўришади. Тадбиркор Интернетда корхонасининг сайтини очган. У орқали сайёҳлар келишларидан илгариёқ ўзлари ёқтирган рангдаги галамларга буюртма беришлари учун имконият мавжуд. Гиламлар ва миллий кашталар кўҳна ва навқирон Хива шаҳридан сайёҳлар учун ажойиб ёдгорлик бўлиб қолади.

“Сардорбек—Дилнура” хусусий корхонаси ҳам молиявий муассасамиз билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Шаҳримизнинг гавжум жойларидан бирида мижозимиз “Дилнура” деб номланган шинам кафе очган. Бу ерда тайёрланган фитчи деган миллий таомни хуш кўрадиган хўрандалар вилоятнинг турли бурчакларидан келадилар. Бу — умумий овқатланиш корхонаси моддий жиҳатдан ўзини ўнглаб олди, дегани. Ҳозир бу ерда 10 та иш ўрни яратилган.

— Банк билан ҳамкорлик қилиб, кенг кўламдаги ишлаб чиқаришни йўлга қўйган корхоналар ҳақида ҳам гапирсангиз.

— “Комил—Эркин” ишлаб чиқариш савдо

фирмаси ана шундай корхоналарнинг биридир. Бу жамоани узоқ йиллар матбаа соҳасида ишлаб келган Комил ака Отабоев ташкил этди. Хива тумани босмахонаси моддий жиҳатдан қийналиб қолганда, Комил ака уни сотиб олиб, қайтадан ишга туширди. Босмахонага янги, замон талабларига жавоб берадиган дастгоҳлар олиб келинди. Тайёрланадиган маҳсулотларнинг сони ва салмоғи кўпайтирилди. Бир сўз билан айтганда, тадбиркор банкимиздан 40 миллион сўм кредит олди ва ундан самарали фойдаланди. Офсет усулида босиш вилоят бўйича биринчилардан бўлиб мана шу корхонада амалга оширилди. Ҳозир бу ерда энг замонавий ва катта ҳажмдаги китобларни, ҳатто газета-журналларни ҳам босиш имкони мавжуд. Босмахона кенг кўламда турли дафтарлар, иш қоғозлари ишлаб чиқараяпти. Корхонага бутун вилоятдаги ташкилотлардан буюртмалар келиб турибди. Босмахонанинг ўз дўкони бор. Ҳозирги пайтда бу ерда 17 та иш ўрни яратилган ва йилига 200 миллион сўмлик ҳажмда босма маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Шунингдек, молиявий муассасамиз фермерлар билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилаяпти. Уларга қишлоқ хўжалик техникалари олиш учун лизинг хизматлари кўрсатаяпмиз, пахта ва ғалла етиштириш учун ўз вақтида зарур сармоялар бераяпмиз. Шу билан бирга, яқинда шаҳримиздаги кўплаб соғлиқни сақлаш ташкилотларига зарур тиббиёт ускуналари олиб бериш борасида лизинг хизматлари кўрсатдик.

— Жорий йилда банк томонидан амалга ошириш зарур бўлган қайси муҳим тадбирларни алоҳида таъкидлаб ўтган бўлардингиз?

— Маълумки, 2009 йил мамлакатимизда Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилинди. Қишлоқдаги тадбиркорлар билан ишлаш бизнинг асосий вазифаларимиздан биридир. Ҳозирданоқ қишлоқдаги мижозларимиз эътиборга сазовор инновация таклифлари билан мурожаат қилмоқдалар. Улар баҳолиқудрат йил давомида молиялаштириб борилади. Кичик бизнес билан шуғулланаётганлар учун республикамизда ғоят катта имкониятлар яратилди. Жумладан, Юртбошимизнинг “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида микросармояларнинг фоиз ставкалари янада пасайтирилди. Масалан,

— тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 18 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги имтиёзли микрокредитлар бўйича максимал ставка йиллик 5 фоиздан 3 фоизга;

— кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдириш учун 24 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдоридаги микрокредитларнинг йиллик фоизи — Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 100 фоизидан 50 фоизига;

— кичик бизнес субъектлари учун 3 йилгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 2000 баробари миқдоридаги имтиёзли микролизинг хизматлари бўйича максимал ставка йиллик 7 фоиздан 5 фоизга туширилди.

Кўриниб турибдики, тадбиркорлик учун ажратилаётган микросармояларнинг фоизлари жуда камайтирилган. Тежалган маблағлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва такомиллаштиришга, бизнесни ривожлантиришга сарфланиши мумкин. Демак, тадбиркорнинг эртаси яна ҳам ишончли ва ёркин. Биз ана шундай соҳа вакиллари билан ҳамкорликда тараққиёт учун хизмат қилаверамиз.

Рашид РАУПОВ
суҳбатлашди. ®

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2008 йил 28 ноябрдаги “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида

очиқ акциядорлик-тижорат банк “ПАХТА БАНК”

Республика аҳолисига миллий ва хорижий валютадаги муддатли ва жамғарма омонат турларини таклиф қилади.

Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизли даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади.
Унутманг, Сизнинг омонатга қўйган пул маблағларингиз “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан юз фоиз таъминланади!
“Пахта Банк” омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади.

№	Омонат	Фоиз ставкаси	Омонат шартлари
	МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА		
1.	*Талаб қилиб олингунча*	*5%* талаб қилиб олгунча	*Маблағлар нақд ва нақд пулсиз чекланмаган муддатга қабул қилинади ҳамда омонатчининг биринчи талабидаёқ берилади.*
2.	*“ТАРАҚҚИЁТ”*	*26%* жамғарма	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 1,2,3,6,9,12,15 ва 18 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 05.02.2009;
3.	*“ЗАМИН”*	*18%* жамғарма	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3, 6, 9 ва 12 ой; — Фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб борилади; — Олинмаган фоизлар асосий суммага қўшилади (капитализация қилинади); — Маблағлар қабул қилиш муддати 16.01.2009; — Омонатнинг сақлаш муддати тугаганидан сўнг йиллик 3 фоиз миқдорида бонус ҳисоблаб берилади.
4.	*“НУР”*	*18%* муддатли	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 1, 2 ва 3 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 20.02.2009; — Омонатнинг сақлаш муддати тугаганидан сўнг йиллик 2 фоиз миқдорида бонус ҳисоблаб берилади.
5.	*“ҲУМО”*	*16%* муддатли	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 2 йил; — Дастлабки 3 ой учун фоизлар олдиндан бўнак тариқасида, кейинги муддат учун эса фоизлар ҳар ойда берилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 10.02.2009; — Омонатнинг сақлаш муддати тугаганидан сўнг йиллик 8 фоиз миқдорида бонус ҳисоблаб берилади.
6.	*“ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ”*	*26%* муддати	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 6, 9, 12, 15 ва 18 ой; — Дастлабки 3 ой учун фоизлар олдиндан бўнак тариқасида, кейинги муддат учун эса фоизлар ҳар ойда берилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 05.02.2009;
7.	*“МАИШИЙ ТЎЛОВ”*	*18%* жамғарма	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 2 йил; — Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда коммунал тўловларга ўтказиб берилади;
8.	*“БОЛАЛАР КЕЛАЖАГИМИЗ”*	*12%—18% гача* жамғарма	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 1, 2, 3, 4 ва 5 йил; — Фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб борилади.
9.	*“НАВНИҲОЛ”*	*МБ қайта молиялаш ставкасида* жамғарма	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 1 йил; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Мазкур омонат ёши 16 дан 25 гача бўлган ёшлар учун очилади; — Қўйилган маблағлар миқдори муддати тугагандан сўнг 50000 сўмдан ошган бўлса, жами тўланган даромаддан 10% қўшимча даромад берилади.
10.	*“ЁШЛИК”*	*18%* жамғарма	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 1, 2, 3, 6, 9, 12, 15 ва 18 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
11.	*ҲОСИЛ*	*19%* жамғарма	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 1, 2, 3 ва 4 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади;
12.	*“МАДАДКОР”*	*18%* муддатли	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 1, 2, 3, 6, 9, 12, 15 ва 18 ой; — Ҳар ой учун ҳисобланган фоиз омонатчига олдиндан тўлаб берилади.
13.	*“МУДДАТЛИ”*	*16%* муддатли	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 6 ой ва 1 йил; — Фоизлар муддат тугаганидан кейин тўланади.
14.	*“МУДДАТЛИ”*	*18%* муддатли	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3 ва 5 йил; — Фоизлар омонат очилган кундан бошлаб бир йилдан сўнг тўлаб берилади, қолган даврлар учун ҳисобланган фоизлар ҳам шу тартибда тўлаб борилади.; — Олинмаган фоизлар омонатнинг асосий суммасига тўланиш даврийлигига қараб қўшилиб борилади.
15.	*“ОҚ ОЛТИН”*	*18%* муддатли	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 6 ой; — Ҳар ой учун ҳисобланган фоиз омонатчига олдиндан тўлаб берилади
16.	*“ПАХТАКОР”*	*16%* муддатли	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
17.	*“БАРАКА”*	*12% — 18%* муддатли	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3, 6, 9 ва 12 ой; — Фоизлар аванс тариқасида (олдиндан) ёки босқичма-босқич омонатчиларга берилади.
18.	*“БАҲОР”*	*18%* муддатли	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 9 ой; — Фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб борилади.
19.	*ИСТЕЪМОЛ ОМОНАТ*	*10%* муддатли	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3 йил; — Ҳисобланган фоизлар “Истеъмол кредити”га ҳисобланган фоизларни сўндириш мақсадида ҳар ойда ўтказиб борилади;.
20.	*ЭГАСИНИНГ НОМИ КЎРСАТИЛМАГАН*	*18%* жамғарма	— Омонатнинг суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3, 6, 9 ва 12 ой; — Маблағлар қабул қилиш муддати 01.04.2009; — Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
21.	*ЭГАСИНИНГ НОМИ КЎРСАТИЛМАГАН*	*19%* муддатли	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3, 6, 9 ва 12 ой; — Маблағлар қабул қилиш муддати 01.04.2009; — Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
	ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА		
1.	*“ЧАШМА”*	**АҚШ долларида 7%** *муддатли* **ЕВРОда 6%** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3, 6, 9 ва 12 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 31.03.2009.
2.	*“ЭЗГУ”*	**АҚШ долларида 7%** *муддатли* **ЕВРОда 6%** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3, 6, 9 ва 12 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 31.03.2009.
3.	*“СЕВИНЧ”*	**ЕВРОда 8%** *муддатли*	— Омонат суммаси чекланмаган; — Амал қилиш муддати: 3, 6, 9 ва 12 ой; — Фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади; — Маблағлар қабул қилиш муддати 31.03.2009; — Фоизлар Марказий банк курси бўйича сўмда тўланади.

Қўшимча маълумот учун (8-371) 150-85-27 ва 150-53-65 телефон рақамларига қўнғироқ қилишингиз ҳамда “Пахта Банк”нинг исталган филиалларига мурожаат этишингиз мумкин. *www.pakhtabank.com*

МУТОЛАА

Сўзга вафодор адиб

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг роман, қисса ва илмий-публицистик асарларини ўқимаган бирон-бир китобхон бўлмаса керак. Адиб таваллудининг 80 йиллиги жуда катта тантана билан нишонланди. Юртбошимизнинг ёзувчига йўллаган табрик хати юбилей тантаналарига алоҳида файз-тароват бағишлади. Ўша кунлари нашр этилган "Меҳрга йўғрилган ижод" китоби олим, адиб, мунаққид, мухлисларнинг сўз санъаткорига улкан меҳр-муҳаббати ифодаси бўлди. Ҳар биримиз асарни иштиёқ билан ўқиб чиқдик.

"Адиб ҳақидаги бу китоб билан танишар эканман, болалагимда "Уч илдиз" романини ўқиб, ундаги талабалар ҳаёти ичига кириб кетганимни, тезроқ талаба бўлгим, ўшандай қайноқ ҳаётга тезроқ киргим келганини ҳозиргача унутмайман. Ундан кейин "Қора кўзлар" романини ўқиб, бошқа бир оламга кириб қолгандай бўлганман. "Юлдузли тунлар" китобини ўқиганда эса... Биласизми, тунлари юлдузларга тикилиб ўзимча Бобур Мирзо билан хаёлан гаплашардим. Онам раҳматли "Сенга ҳамиша айтаман, китобни камроқ ўқи, деб. Нимага ўзингга-ўзинг гапирасан", деб хавотир олгани, танбеҳ бергани кечагидек эсимда," — деб ёзибди мухлислардан бири.

"Меҳрга йўғрилган ижод" китобида ёзувчини яхши билган дўстлари, ҳамкасблари, шогирдларининг унинг асарларидан олган таассуротлари, таҳлил-тадқиқотлари, шахсий фазилатлари самимий, жозибали шаклда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов Пиримқул Қодиров ҳақида тўлқинланиб гапирар экан, бир воқеани эслайди: "Ўтган асрнинг 60-йилларида, ҳали Чўлпон номи тилга олиниши мумкин бўлмаган кезларда Озод Шарафиддинов, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов ва улар даврасида мен ҳам теварак-атрофдан ҳадиксираб Оҳангарон қирларига чиқиб кетардик. Фусункор табиат қўйнида бироз ором олиб, дала-даштларда Чўлпон шеърларини ўқир эдик. Ўша даврамизда Пиримқул ака Чўлпоннинг шеърларини алоҳида эҳтиром ва ҳаяжон билан ёддан айтиб, ҳаммамизни лол қолдирарди. Шул боис бўлса керак, Пиримқул Қодиров асарларида поэтик руҳ ниҳоятда кучли..."

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов ўзининг "Улғайиш" мақоласида Пиримқул Қодировнинг "Қора кўзлар" романига муфассал тўхталган, асарнинг ютуқлари, муаллиф маҳоратини тасвирлаб, жумладан, шундай ёзган эди: "...Пиримқул Қодировнинг характер яратиш принциплари кўп жиҳатдан адабиётимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Характерлар ҳаққонийлигига эришишда Пиримқул амал қилган самарали принциплардан бири шундаки, у қаҳрамонларининг жонли чиқишига, ҳар бир сўзининг, қилиғининг, ишининг ҳақиқий одамларники сингари табиий бўлишига эътибор берган...".

"Маълум бир ёшга боргандан кейин одам ўз қадри-қиммати, ҳаётдаги ўрни, бу ўринда дадил тура билиш муаммолари ҳақида ўйлаб қолади. Ижодкор эса бу муаммолар хусусида фақат ўз шахсияти нуқтаи назаридан эмас, балки кўпчилик — умумжамият аъзолари нуқтаи назаридан қарайди ва табиий равишда бу ўйлар унинг ижодига ҳам ўтади. Пиримқул Қодировнинг "Қадрим" қиссаси шу йўсинда дунёга келди..." ЎзФА академиги Матёқуб Қўшжонов "Баҳсларда улғайган ижод" номли мақоласида юқоридаги фикрни давом эттириб, ўша кезлари у "Қора кўзлар"га материал йиғиб юрган пайтлари адиб билан ўлкамизнинг тоғли районларига чиққани, адирлару далаларни бирга кезгани, ўшанда у кўзга кўринган ҳар бир табиат манзарасини нималаргадир ўхшатгани, алланималарга қиёслагани, ўша юришлардан бирида шарқираб оқаётган сув бўйида, ёввойи ўт ва лолақизғалдоқлар орасида кўзга ташланган чиройли бир дарахтни атлас кўйлак кийиб, сув бўйига чиққан гўзалга ўхшатганини ҳанузгача эслайди.

Адиб ҳақидаги китобни ўқир эканмиз, Пиримқул Қодировнинг турғунлик йилларида тарихий мавзуларда яратган асарларини ўқувчиларига етказгунга қадар не-не машаққатларни, тўсиқлар, туҳматларни бошидан кечирганини яна бир бор эслаймиз. Айни чоғда иродали, бардошли адибнинг асарларини ёзиш жараёнидаги қийинчиликлар, бир асар устида йиллаб изланган, заҳматлар чеккан, уларни мардонавор енгган инсонлиги кўз олдимизда гавдаланади. Шунда сиз Пиримқул Қодировнинг нақадар кучли, иродали, буюк хислатлар эгаси эканига яна бир бор гувоҳ бўласиз.

У.Норматовнинг "Тарих ҳақиқатига садоқат", А.Саидовнинг "Амир Темур мавзуси уммондай чексиз", А.Ўринбоев, Ғ.Каримовнинг "Дунёни лол қолдирган сиймо" мақолаларида адибнинг буюк саркарда Амир Темур ҳақидаги тарихий асарларини яратиш жараёнидаги изланишлари, машаққатлари акс этган. Амир Темур мавзуи кенг, изчил ўқиб, илмий ўрганишни, теран таҳлилни талаб қиладиган, ниҳоятда масъулиятли вазифа эканини А.Расуловнинг "Амир Темур сиймоси", М.Сафаровнинг "Она лочин видоси" мақолаларидан ҳам билса, тасаввур этса бўлади.

Пиримқул Қодиров САГУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг шарқшунослик факультетини тугатиб, Москвага, М.Горький номидаги Адабиёт институти аспирантурасига ўқишга киради. 26 ёшида Абдулла Қаҳҳор ижоди бўйича номзодлик диссертацияси ёқлаб, бир неча йил собиқ иттифоқ Ёзувчилар уюшмасида ўзбек адабиёти бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлайди, кўплаб танишлар орттиради, адиблар, адабиётлар ҳамкорлигига сезиларли ҳисса қўшади. Л.Терокопяннинг "Ижоднинг икки қаноти", В.Витковичнинг "Шоҳ ва шоир" мақолалари ана шу ижодий ҳамкорлик намунасидир. Л.Терокопяннинг П.Қодиров ижодидан кенг хабардорлиги кўриниб турибди. Мақоласи бошида "...Уч илдиз" (1958) романининг ҳар бир саҳифасида алоқалар, манбалар, келажакка хамиртурушлар... кўзга ташланади. Асар экспозициясида, масалан, ўрта аср шоири ва саркардаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи тилга олинади," — деб ёзади.

"Меҳрга йўғрилган ижод" сўнггида адибнинг "Таржимаи ҳол лавҳалари", "Ҳаётдан нима изладиму, нима топдим?", "Асарларимни меҳр билан ёзаман", "Зулфия опанинг меҳригиёси" номли дилномалари адиб асарларининг юзага келиш жараёни, кечинмаларини теранроқ англашимизга ёрдам беради.

Китобда Пиримқул Қодиров ҳаёти ва ижодининг асосий саналари, асарлари биографиясининг берилгани мухлислар, тадқиқотчилар учун жуда қўл келади. Тўғри, рўйхат тағин ҳам тўлиқ бўлиши мумкин эди, аммо айрим мақола, тақризлар кирмай қолган, саналар тартибига риоя қилинмаган ўринлар ҳам бор.

Пиримқул Қодиров бетакрор адиб бўлиши баробарида таниқли олим, моҳир публицист ҳамдир. А.Умаров, А.Саидов, М.Абдуллаев мақолаларидаги қисқа таҳлил, айрим қайдларни эътиборга олмаганда, адибнинг илмий, бадиий публицистикаси ҳақида чиққан мақола, тақризлар ҳам берилса, шунингдек, М.Авезов, К.Симонов, Ч.Айтматов ва бошқа сўз санъаткорларининг адибимиз ҳақидаги илиқ фикрларидан лоақал парчалар келтирилганда янада соз бўларди.

Ойниса БОБОНОВА,
илмий тадқиқотчи,
Сайди УМИРОВ,
адабиётшунос олим.

Шеър — қалб уйғоқлиги

ёки таҳририятга келаётган шеърларни ўқиб

Адабиётда хусусан, шеъриятда янграган ҳар бир янги овоз кашфиёт саналади. Лекин бу кашфиётлар ҳар доим ҳам содир бўлавермайди. Баъзан яхши шоир ёки ёзувчини газета ва журналларда чоп этилган туркум шеърлари ва ҳикоялари орқали таниймиз. Бир муддатгача тизмаларининг «таъсир кучи» хаёлимизда айланиб юради.

Данте ҳақиқий шеъриятнинг асосий жиҳатларидан бири самимият деганди. Чин юракдан самимий айтилган ҳар бир мисра нафақат ўқувчиларнинг, балки таҳририятнинг ҳам ҳеч қачон эътиборидан четда қолмайди.

Ниятим таҳририятимизга юртимизнинг турли гўшаларидан келган мактубларидаги шеърлар мутолааси баҳонасида тафаккуримда "ялт" этган учқунлар билан сиз азиз муштарийларни таништириш, холос.

... Буюк қайғу каби юракни эзар,
Сийрати инсоний дарддан жудолар.
Гоҳ йўлингдан чиқиб ғашингга тегар,
Сохта авлиёлар, сохта худолар...

Паркентлик ёш шоир Зоҳиджон Холовнинг ушбу сатрларини ўқиб, беихтиёр одамлар ўртасидаги инсоний фазилатлар, меҳр-оқибат, диёнатга дарз кетмаяптимикан, — дея ўйлаб қоласан киши. Шундоқ ҳам чимдим меҳрга зор дунёда шунчаки шарпа эмас, инсондек яшагинг келади.

Шунча йил яшадим сабримни ютиб,
Бир бор жилмайишинг,
кулишинг кутиб.
Телбариб, довдираб, гапим унутиб,
Севдим, деганимга куйма, Нилуфар,
Чин ишқни ёлғонга йўйма, Нилуфар...

Бундай самимий ва табиий сатрлар Зоҳиджоннинг шеърларида кўплаб учрайди. Шунинг учун ҳам унинг шеърларини шунчаки ўқиш камлик қилади.

Сурхондарёлик умидли қаламкаш Санжар Турсунов эса:

Унутиб боради йилларни йиллар,
Унутар бир-бирин боғлар ҳам буткул.
Фақат унутмагин севимли дилбар,
Бизни унутмайди ёлғизоёқ йўл...

дея дардларини гўзал тизмаларда хитоб айлайди.

Тириклик ҳикмати не сир, қандай синоатки, буни англамоқ учун ҚАЛБ уйғоқ бўлиши керак. Фақат уйғоқ қалбгина мана шундай оҳори тўкилмаган сатрларни ёза олади.

Шоира синглимиз Маърифат Темурзоданинг ушбу битиклари юракларга ҳаяжон солади.

...Шеърга сингиб кетди бутун вужудим,
Сатрлар тузаман, байтлар тузаман.
Ва бехос ўйлайман
менинг ҳам исмим
Омад рўйхатига ёзилармикан?..

Умуман СЎЗ катта таъсир кучига эга сеҳрли ифода воситаси ҳисобланади. Ижодкорнинг асосий мақсади, мана шу сўзни юракдан ҳис этиб, таъсир қудратини йўқотмаса, ёзганлари ўзини оқлайди.

... Кетинг, кунларимнинг
файзини олиб,
Юлдузлар айланди сабр тошига.
Ўзимни алдадим, алдагим келди,
Чўкиб кетгим келмай кўзим ёшига...

Арнасойлик Инобат Акбарали қизининг бу мисралари дардли кўнгилларни қуёшдек ёритади. Шоиранинг бошқа шеърлари ҳам инсоннинг руҳий ҳолатларини нозик сўзлар инжусида ифодалайди.

Ўз овозига эга шоир Элёр Мурод шеърлари эса алоҳида таҳсинга лойиқ. У ўз ижодида таъкидлагани каби янги мисралари қалбининг фараҳли тўлғоқларидир.

Мажнунтолнинг япроқларига,
Осилади ўйноқи шудринг.
Бир лаҳзалик қувончни кўриб,
Узаяди бир йилга умринг...

Руҳнинг қандай гўзал тасвири... Бу сатрларни инсон умрининг лаҳзалик ҳаёти, кўнглининг ойнаси дейиш мумкин.

Аслида, яхши шеър шарҳланмайди, англанади. Англаш жараёнида қалбимизда ҳарорат уйғотади. Бу ҳароратнинг баланд-пастлиги эса истеъдод ва самимият туйғулари билан ўлчанади.

Осмонлар йиқилар...
Ранжлар байрами,
Тўрт тараф азобдан тўниб кетади.
Андуҳ қоғозида кўнгил қалами,
Кўнгилни тополмай синиб кетади...

Акром Маликнинг ҳам муштарийларга илинган кўнгил туғёнлари сизни бефарқ қолдирмайди.

Сирасини айтганда, таҳририятимизга келган мактубларидаги ёш ижодкорлар орасидан мана шундай шеър деб аташга арзигулик мўъжизаларнинг борлиги қувонарли ҳолдир. Шеър ёзган ёки шунчаки ҳавасманд қаламкашлар ўзини таниб, шеърият майдонида ўз сўзини топишга интилаётган ёниқ сатрлари билан ажралиб туради.

Назаримда, шеър ва сўз қадрини, унинг эртасини маълум маънода мана шу тизмалар ҳам белгилайди. Булар сафига Фарҳод Умаров, Дурдона Ирисметова, Феруза Бобоева, Ғайрат Абдураҳмонов, Суннат Мусамедов, Руслан Ибодов, Гулбаҳор Шокирова, Соҳиба Муллаева каби ижодкорларнинг шеърларини ҳам киритиш мумкин.

Адиба УМИРОВА

ТАҚВИМ

Мучал — халқона йил ҳисоби

Қадимдан туркий халқларимиз Наврўздан, яъни 22 мартдан бошланадиган янги йил ҳисобини мучал деб аташган. 12 йил мобайнида бир келадиган йиллар 12 та ҳайвон номи билан белгиланган. 22 мартдан олдинги январь, февраль, 21 мартгача бўлган ойлар мучал тақвимига кўра, олдинги мучал йили ҳисобига киради. Шу ўринда яна бир изоҳ: одам ёши мучал йили билан ҳисобланганда унга яна бир йил қўшилади. Яъни инсон зотининг она ҳомиласидаги 9 ойлик муддати ҳамда Григориан тақвимидаги 22 мартгача бўлган деярли уч ой жамланганда, тўлиқ бир йил инсон умрига қўшилади.

Қадимдан бизда инсоннинг таваллуд йилини "Нечанчи йил туғилгансиз?" деб эмас, балки: "Мучалингиз нима?" деб сўраш анъана бўлиб келган. Эски манбаларда улуғ зотларнинг ҳаёт йўли тўғрисида гап борар экан, туғилган вақти ва ҳаётида энг жиддий воқеаларни ана шундай ҳисоблашган. Масалан, соҳибқирон Амир Темур таваллуди Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарида: "Шаъбон ойининг йигирма бешида, тарих етти юз ўттиз олтида, сичқон йиликим..." деб баён этилади. Бу ҳозирги йил ҳисобида 1336 йилнинг 9 апрелига тўғри келади. Қизиғи, Амир Темурнинг тарих саҳнасида илк бор яққол кўринган йили — мўғул хони Туғлуқ Темур босқини юз берган 1360 йилда — ҳамма бошини омон сақлаб, Мовароуннаҳрни ташлаб қочишганида Амир Темур ўз Ватанида қолади. Туғлуқ Темур унинг мардлигига тан бериб, кўз очган диёри Кеш вилоятига ҳоким (волий) этиб тайинлайди. Муаррихлар бу йилнинг яна сичқон йили бўлганини тасдиқлайдилар. Соҳибқирон вафот этган қайғули 1405 йил эса ўша давр манбаларида "маймун йили эди" деб кўрсатилади.

Ибн Арабшоҳнинг Амир Темур тўғрисидаги китобида айтилишича, қирғизлар ривоятида мучал бошининг сичқон йили деб аталиши қуйидагича юз берган: ҳайвонлар ўзларининг номи билан бирон йил аталишига эришиш мақсадида пойгага чиқишибди. Пойгада туя лўкиллаб, энг аввал манзилга етиб келибди. Шундай экан, аслида, унинг номи билан мучалнинг биринчи йили аталиши керак эди. Лекин бундай бўлмабди. Сабаби, туя "ким ўзар"га чиққанида, йўл бошидаёқ сичқон унинг бошига "лип" этиб, билдирмасдан ўтириб олади ва охирида туянинг бошидан сакраб, манзилга биринчи қадам қўяди. Сичқон чаққонлиги ва тадбиркорлиги билан мақсадига осон эришади.

Академик В. В. Бартольд ўзининг Марказий Осиё ва Турон тарихига доир бир тадқиқотида шу мавзуга оид бошқача бир ривоятни келтиради. Турк султони Или дарёси бўйида овга чиқибди. Ҳайвонлар ҳалокатдан қочиб қутулиш учун ўзларини таппа-таппа дарёга ташлабди. Дарёдан ҳайвонларнинг бирин-кетин сузиб чиқиш тартибига қараб, йилларнинг номи белгиланган экан. Шунда ҳам сичқон абжирлик қилибди, кейин буқа (сигир), ундан кейин йўлбарс, қуён, балиқ (ёки аждаҳо), илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит, ниҳоят тўнғиз (ёки чўчқа) қирғоққа чиқибди. Булар ривоят, албатта. Ва улар мучал тақвим ҳисобининг ибтидоси афсона ва ривоятларга боғланиб кетганини кўрсатади.

Шунга қарамасдан, баъзи қадимий қўлёзмаларда мучал йили ҳисоби милоддан аввалги III-II асрларда Юнон-Бақтрия подшолигида кўчманчи чорвадор халқлар томонидан яратилган, деган

маълумотлар мавжуд. Бу йил ҳисоби Мўғулистон, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Миср, Ироқ, Эрон, Афғонистон, Марказий Осиё мамлакатларида тарқалган деган фикрларни ҳам ўқиймиз. Айни пайтда айрим китобларда ва қомусларда унинг ватани Хитой, Миср ва Ироқ мамлакатларидир, деган қарашларга ҳам дуч келамизки, бундай фикр кишини бироз ўйлантиради. Мучал йил ҳисобининг хитойликлар тарихида 60 йилда бир айланиб келадиган даврий тақвимга тарихан ҳамнафаслиги сезилади. Хитой йил ҳисобида ҳам йиллар баъзи ҳайвонлар, мавжудотлар номи билан аталган. Ҳатто биздаги балиқ йилининг Хитойда аждаҳо йили деб аталиши ана шу яқинликни тасдиқлайди. Лекин мучал йил ҳисобини Миср давлати ва бошқа араб дунёси билан боғлаш тўғримикин? Араб муаррихи Ибн Арабшоҳни юқорида эсладик. У ўзининг Амир Темур ҳақидаги китобида мучал йил ҳисоби мўғул ва турк дунёсида амал қилади, деб равшан айтган. Шу билан бирга, юқорида келтирилган ривоятлар ҳам бевосита Марказий Осиё заминида туғилган ва улар мучал тақвимининг ватани туркий дунё эканига ишоратдир.

Лекин бир ҳақиқат аниқ: ота-боболаримиз атроф-дунёни обдон, такрор ва такрор кузатиб, бебаҳо ҳаётий тажрибалар, теран хулосаларга асосланиб, етти ўлчаб бир кесиб йилларнинг мучал номини топишган. Масалан, балиқ йилида ер юзида сув мўл бўлиши, ҳатто селлар, сув тошқинлари юз бериши кўп кузатилган. Илон йилида қурғоқчилик бўлиши тарихда кўп учраган. Жумладан, солномаларда қайд этилишича, мучал ҳисоби билан қуён йилига тўғри келган 1867–68, 1879–80, 1891–92, 1902–03 йилларда қиш оғир келган. Ҳатто ҳут ойларида (яъни 21 февраль — 21 март ўртасида) муз, қатқалоқдан ер халос бўла олмаган. Чорвага қийин бўлган. Бундай хатарли йил (масалан, илон йили феъл-атворини ҳисобга олиб) бошида деҳқонлар ва чорвадорлар олдиндан имкон даражасида, албатта, зарур чора-тадбирлар кўриб қўйишган ҳамда чорва моллари сақлаб қолинган. Ота-боболарнинг сабоғи бугунги кунда ҳам аҳамиятлидир.

Жорий йил мучал тақвимига кўра, буқа ёки сигир йили деб аталади. Нима деб аталганида ҳам бу йил қорамол туёғи билан боғлиқ бир санадир. Халқимизда эса қорамолга доир эзгу маъноли мақоллар бор. Масалан, бир мақолда: "Молинг семиз — давлатинг эгиз" дейилади. Ёки: "Сигирли уйда сил бўлмас", "Сигири кўпнинг оқи кўп", "Мол туёғин кўпайтир, ёв яноғин уялтир" каби бошқа мақоллар ҳам борки, улар қорамолнинг хосиятидан сўзлайди. Инсоният тажрибасидан ўтган мана шундай ҳикматлар бизга катта умид бағишлайди.

Бунинг устига, бошланган янги йилимиз эзгу ният ва мақсадлар билан Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб аталди. Шу йўналишда кенг қамровли Давлат дастури тайёрланмоқда. Ҳам халқона маънода, ҳамда ҳукуматимиз режасига биноан 2009 йил мамлакатимиз ривожида, унинг ободлик ва фаровонликка интилишида энг хайрли, файзли, саодатли йиллардан бири бўлади, деб чин кўнгилдан умид қиламиз.

Михли САФАРОВ

ТАФАККУР

Эҳтирослар энг аҳмоқ кимсаларга ҳам ақл беради, энг ақллиларни аҳмоқ қилади.

* * *

Ўзгартиролмайдиган нарсаларга ўзингни ерга урмай бардош бер.

* * *

Яхшилик қилган эмас, яхшилик кўрган гапирсин.

* * *

Энг ёмон дард — ўз дардига боғланиб қолишдир.

* * *

Айрим дори-дармонлар дарднинг ўзидан кўра хавфлироқдир.

* * *

Курашсиз шон-шавкат ҳам хазон бўлади.

* * *

Маънавий қулликдан шармандалироқ мутелик йўқ.

* * *

Кулфат ташқаридан келмайди, у бизнинг ўзимизда, ич-ичимиздадир.

* * *

Кичик қайғу кишини сўзлатади. Каттасига эса сўз йўқ.

* * *

Хавотирга тушган одам ўзини бошқара олиш қобилиятини йўқотади.

* * *

Қачонлардир юз берадиган бахтсизликни ўйлаб, ўзини доимо бахтсиз ҳис этиш аҳмоқликдир.

* * *

Донишманд бойлик қуршаб олганда қаноатлик ҳақида ҳар вақтдагидан кўпроқ ўйлайди.

* * *

Янглиқ инсонга улуғворликдан кўпроқ завқ бағишлайди.

СЕНЕКА

МАДАНИЯТ

ШЕЪРИЯТ

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Жонингдан азизроқ жон кўрсат менга

РОСТ

Тоғингдан баландроқ тоғ борлиги рост,
Боғингдан гўзалроқ боғ борлиги рост,
Соғсан-ку, сендан-да соғ борлиги рост,
Жонингдан азизроқ жон кўрсат менга.

Шуҳратинг шовуллаб турибди, бу кун,
Отинг қоқилмаган, бағринг ҳам бутун.
Аммо шу жонинг-ку, жисмингга устун,
Жонингдан азизроқ жон кўрсат менга.

Учирсанг, тоабад қайтиб келмас қуш,
Тунлар болишингга тўкилгувчи туш,
Бундайин нима бор, хушлар ичра хуш,
Жонингдан азизроқ жон кўрсат менга.

Тикилсанг, топилар дунё бойлиги,
Тунда билингайдир ойнинг ойлиги.
Тўрт мучанг соғлиги — энг чиройлиги,
Жонингдан азизроқ жон кўрсат менга.

Нонингдан тотлироқ нон борлиги рост,
Шонингдан улуғроқ шон борлиги рост,
Шукур қил, жисмингда жон борлиги рост,
Жонингдан азизроқ жон кўрсат менга.

НИЯТ

Ниятлар ниҳоя билмайди сира,
Шоир шеър қилади сўзнинг тилласин.
Шабнам шаклидаги бахтдек бокира,
Аё дўст, дунёда кўнгил ўлмасин.

Тошларни тилгувчи тиғ бўлар гоҳи,
Чинордек шовуллаб, гулдек сўлмасин.
Жоннинг чироғи деб ёққан илоҳи,
Аё дўст, дунёда кўнгил ўлмасин.

Еллар сўрамайин сочларинг силар,
Инсоф қадар эмиш ҳаё тугмасин.
Дилдан ўтганини фақат дил билар,
Аё дўст, дунёда кўнгил ўлмасин.

Қўлдан берганига қуш тўймас эмиш,
Одам одамданмас, Ҳақдан тиласин.
Тиллога суқланиб боқармиш кумуш,
Аё дўст, дунёда кўнгил ўлмасин.

Узилган киприкнинг уволи бордир,
Маҳмуд, фил қуритар филнинг силласин.
Кўксимни куйдирган шу битта зордир,
Аё дўст, дунёда кўнгил ўлмасин.

САБОҚ

Қушлар уясига хаслар партўшак.
Тоғлар ҳам тошим деб яшайди бешак.
Ватанни севишни ўрганмоқ бўлсанг,
Сенга нигоҳ бўлсин кўз очган куртак.

Майсалар муроди — яшиллик азал,
Булбул, гул мадҳида абадий ғазал.
Ватанни куйлашни ўрганмоқ бўлсанг,
Елларни йўқласанг куйи муфассал.

Кафтингга олсанг гар гапиргай тупроқ,
У бобонг, у момонг, руҳлари уйғоқ.
Ватанни танишни ўрганмоқ бўлсанг,
Кўҳна тарихига шу замин гувоҳ.

Чумоли чирқиллаб юргайдир балки,
Қалдирғоч қиқирлаб кулгайдир балки.
Жонзотни тинглашни ўрганмоқ бўлсанг,
Дилингдан ўтганин билгайдир балки.

Онанг эккан райҳонларга боқиб кўр,
Ўз дилингда ирмоқ бўлиб оқиб кўр.
Ватан мадҳин, Маҳмуд, шеърда айтгали
Қор қўйнида чимдим олов ёқиб кўр.

СЎЗЛАР САМОСИ

Интизор дилларда соғинч гуллайди,
Лекин бу гулларнинг кўрманаси йўқ.
Нигоҳин ёндириб дийдор жилмайди,
Ғалат, кўриб туриб босиб олдим чўғ.

Сўзлар самосига чорлайди ашъор,
Қалам қитмир қондан сиёҳ талабдир.
Бу қандай дард ўзи, айт, парвардигор,
Кўнглим нечун тошдан гиёҳ талабдир.

Муҳаббат меҳроби бунчалар узоқ,
Бахтнинг боғларида булбул бўлгум бор.
Сўзлар самосидан тутмасам чироқ,
Ишқнинг уммонига чўктириб юбор.

КЎЗИНГДА ТЕРИБ ОЛГИН

Ғаним ёққан чироқнинг
Шуъласида шайтон бор.
Дўст ачитган сабоқнинг
Садосида имкон бор.

Қоқилгунча очилмас
Кўзларингнинг тублари.
Зар кўрмаса сочилмас
Нафсининг маҳбублари.

Бахтнинг боғи боғбонсиз,
Қолганига ачинсанг.
Гоҳо ернинг осмонсиз
Толганига ачинсанг.

Тонгда туриб дилингдан
Йиғонга эшик очгин.
Агар келса қўлингдан
Савобнинг сувин сочгин.

Капалакнинг қаноти
Қаҳрни кўтармайди.
Кўрдим, булбул баёти
Ғунча чеҳрасин чайди.

Ой юзида доғ бўлса,
Кўзингда териб олгин.
Маҳмуд, Ҳудо шеър берса,
Сўзингда териб олгин.

САЛОМ ОППОҚ КАЛОМДИР

Насиҳатда наво йўқ,
Сабрлида садо йўқ.
Табибни толиқтирар
Ёмон дардга даво йўқ.

Шошқалоқнинг шитоби,
Ҳасадгўйнинг хитоби.
Чанқоғингни босмайди,
Йўқ қатиқнинг чалоби.

Чимрилганда чирой йўқ,
Жилмайганга урма дўқ.
Офтобдан ерга тушган,
Оқил тутиб турган чўғ.

Салом оппоқ каломдир,
Алик олмоқ оромдир.
Изингдаги иззатинг
Аслида яхши номдир.

Ҳар кўз ёш гуноҳ ювмас,
Сохтасан — Аллоҳ суймас.
Ҳуш одам ёдини ҳам
Элу юрт ерга қўймас.

Насиҳатда наво йўқ,
Сабрлида садо йўқ.
Табибни толиқтирар
Ёмон дардга даво йўқ.

ВОЙ, ЧЕЧА
(халқ оҳангида)

Мен ойни олган кеча,
Қўйнима солган кеча.
Икки дил битта куйни,
Тонггача чалган кеча.

Вой, кўзим куйган кеча,
Вой, сўзим куйган кеча,
Севдим деган сўз ўтида,
Вой, ўзим куйган кеча.

Бу кеча қандай кеча,
Ўзи тун, кундай кеча.
Ўчоққа қумғон қўйинг,
Вой чеча, жоним чеча.

Отаси отли келин,
Онаси зотли келин,
Тилимдан тушмас болим,
Оҳ, ўзи тотли келин.

Бу кеча бизнинг кеча,
Бу кеча сизнинг кеча.
Мен сизга термулайин,
Жоним сиз ухланг пича.

Вой чеча, урманғиз дўқ,
Тулпорман, жилови йўқ.
Бу кеча қандай кеча,
Ёндирар олови йўқ.

Ҳой чеча, жоним чеча,
Бу кеча қандай кеча.
Мен сизга ўзим айтай,
Қиёс йўқ, қанддай кеча.

СПОРТ

УЛАРГА ҲАВАС ҚИЛСА БЎЛАДИ

Қатарда бўлиб ўтган халқаро футбол турнирида муваффақиятли иштирок этган ёшлар терма жамоамиз мусобақанинг финалига йўл олишди. Бу вазифани уддалаш учун ҳамюртларимиз ярим финалда ўз гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаган япониялик тенгқурларига қарши баҳс олиб боришди. Кўпчилик кутганидек, мазкур ўйин шиддатли ҳужумларга бой бўлди. Учрашувнинг 18-дақиқасида Фозил Мусаев рақибларимиз дарвозасига тўп киритиб, жамоадошларини ҳисобда олдинга олиб чиқди. Шундан сўнг, ёшларимиз ўзларига хос усулда ҳимояланиб, танаффусгача ҳисобни сақлаб қолишди. Аммо иккинчи бўлимнинг 58-дақиқасида япониялик футболчи Тома Такефуми ҳисобни тенглаштирди. Ундан кейин эса орадан кўп вақт ўтмай терма жамоамиз сардори Шерзодбек Каримов яна юртдошларимизни ҳисобда олдинга олиб чиқди. Бундан руҳланган Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари ҳужумлар сонини янада кўпайтиришди. Кетма-кет ташкиллаштирилган ҳужумлар охир-оқибат ўз самарасини берди. Ўйиннинг 79-дақиқасида истеъдодли ҳужумчимиз Кенжа Тўраев японлар дарвозасига тўп киритиб, ҳисобни йирик — 3:1 етказди. Бироқ, икки дақиқа ўтгач, Кунчиқар юрт вакили Кётоке Хироше учрашувдаги ҳисобни қисқартиришга муваффақ бўлди.

20 январь куни эса ёшларимиз финалда Сурия олимпия терма жамоасига қарши майдонда тўп суришди.

"ПАХТАКОР"НИНГ ИМКОНИЯТИ ЮҚОРИ

Айни кунларда Россия пойтахти Москвада ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари чемпионлари кубоги" мусобақаси бўлиб ўтмоқда. Унда Тошкентнинг "Пахтакор" жамоаси ҳам иштирок этаётганидан кўпчиликнинг хабари бор.

Чемпионатнинг дастлабки турида Виктор Жалилов шогирдлари Қозоннинг "Рубин" футбол жамоасига қарши майдонга тушиб, 1-1 ҳисобида дуранг натижани қайд этишган бўлса, иккинчи турда Арманистоннинг «Арарат» жамоаси билан кураш олиб борган пахтакорчилар йирик — 4:1 ҳисобда зафар қучдилар. Ушбу ғалабадан сўнг "Пахтакор" футбол жамоасининг кейинги босқичга чиқиш имконияти анча ошди.



РОССИЯ МЕЗБОНЛИККА ДАЪВОГАРМИ?

Ҳамдўстлик кубоги мусобақасининг матбуот анжуманида қатнашган ФИФА президенти Йозеф Блаттер 2018 йилда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатини ўтказишда Россиянинг ҳам талабгорлар сафида бўлишни хоҳлаётганини билдирди.

— Айни вақтда ЖЧ-2018 ва 2022 мусобақаларини ўтказишни хоҳлаётган давлатларнинг аризасини қабул қилишга ҳамма нарса тайёр. Ҳатто кўпчилик давлатлар бу борадаги ҳаракатларни аллақачон бошлаб ҳам юборди. Аммо биз бу талабгорлардан биттаси Россия бўлишини умид қиламиз. Бундан ташқари, жаҳон чемпионатига мезбонлик қилиш учун яна бир нечта давлатлар — АҚШ, Испания, Португалия, Голландия, Англия, Германия, Қатар, Хитой, Япония ва Австралия каби мамлакатлар жиддий қизиқиш билдиришаяпти, — дейди ФИФА президенти журналистларга берган интервьюсида.

Эслатиб ўтамиз, ЖЧ-2010 Жанубий Африка Республикасида, ЖЧ-2014 Бразилияда бўлиб ўтиши бир неча йил аввал аниқ бўлган.

СУСТ КЕЧГАН МУШТЛАШУВ

Шанбадан якшанбага ўтар кечаси ўта оғир вазнда бокс бўйича жаҳон чемпионати учрашуви ўтказилди. Унда WBC йўналиши вакили Андре Берто Луис Коллаццога қарши жанг олиб бориб, ўзининг чемпионлик камарини ҳимоя қилди. Суст кечган ушбу мушталашувда Луис Коллаццонинг тажрибали экани сезилиб турган бўлса-да, яқин масофада жанг қилишни яхши ўзлаштирган Андре Берто очколар ҳисобида (116:111, 114:113, 114:113) ғалаба қозонди.

Қўшимча маълумот ўрнида айтиш мумкинки, асли америкалик бўлган спортчи Берто мусобақаларда Гаити давлати номидан иштирок этади. У ўзининг биринчи "жангги"ни ўтган йил июнь ойида мексикалик боксчи Мигел Анхел Родригесга қарши ўтказиб, рақибининг камарини тортиб олганди.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.

ЎЗЛИК

Фозил Йўлдош ўғлининг овози

Халқимиз ўзига хос бахшичилик мактабига эга. Бу соҳада эл назарига тушганларнинг номи эса оғиздан-оғизга ўтиб замонлар оша бардавом яшайди. Инчунун, Фозил Йўлдош ўғли ҳам ҳануз улуғ бахши сифатида тилга олинади. Аммо, афсуски, ундан ёзиб олинган 30 дан ортиқ достон йўқолиб, улардан фақатгина "Алпомиш" достони сақланиб қолган. Ўғиз, қипчоқ, олтой, қўнғирот вариантларига эга бўлган бу достоннинг 1928 йилда Маҳмуд Зарипов томонидан ёзиб олинган нусхаси бутун туркий халқлар орасида энг мукаммал тури ҳисобланади. 1952 йилда мустабид совет тузуми сиёсатига мос эмас, деб қораланган, 1999 йилда эса мустақиллигимиз шарофати билан минг йиллиги нишонланган ўша биз билган "Алпомиш"га ҳам Фозил Йўлдош ўғли айтган нусха асос бўлди.

Ҳўш, бу бахши асли ким бўлган? У 1872 йилда Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги Лойқа қишлоғида туғилган.

Тақдир ёш бахшини жуда эрта синовдан ўтказа бошлади. Беш ёшида отасидан етим қолди. Онасининг қўлига қарам бўлган оиланинг ташвиши кундан-кунга оғирлаша бошлади. Шунинг учун 9 ёшга тўлар-тўлмас Фозил подачилик қилишга мажбур бўлди. Бу ҳақда бахши кейинчалик "Кунларим" термасида шундай дейди:

Олти ёшда қўмсаб қолдим отамни,
Оғир меҳнат эзди энам шўрликни,
Эна-бола тополмадик бир нонни,
Парча нон деб ўтган кунларим.

Бахшидан ёзиб олинган бу термалар унинг ҳаёти ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Хусусан, улар орқали биз Фозил Йўлдош ўғлининг бахшилар даврасига ўз-ўзидан қўшилиб қолмаганини билиб оламиз. Шоир учун ҳаётни билиш, турмушнинг аччиқ-чучугини татиб кўриш ҳам ўзига хос тажриба бўлган. Вақт ўтган сари ёшлигида чертишни ўрганган дўмбира ишқи, куй навоси унга тинчлик бермади. Кўп ўтмай даврининг энг машҳур устоз бахшиларидан Йўлдош булбулнинг унга назари тушди. У моҳир санъаткордан достон айтиш сирларини ўрганди. Албатта, ҳаваскор достон ижрочисидан етук бахши номига етишиш ёш шоирдан тинимсиз меҳнатни, ижодда ўтадиган уйқусиз тунларни талаб этган бўлса, не ажаб. Фозил бахшидаги ирода бу талабларга жавоб бериш учун етарли қувватга эга бўлган, дейишади. Ёш ижрочи ўз устози ва ҳамюртларидан 40 дан ортиқ достон ўрганди. Охир-оқибатда Йўлдош булбул ўз шогирди Фозил Йўлдош ўғлини ўша пайтларда катта имтиҳон ҳисобланган бахшичилик синовидан ўтказади. Фозилдаги ўта кучли хотира қуввати, меҳнатни севиш, талабчанлик бу синовдан муваффақиятли ўтиш имконини берган. Маълумотларга кўра, у "Алпомиш", "Ширин билан Шакар", "Маликаи айёр", "Муродхон", "Интизор", "Балогардон", "Нурали", "Жаҳонгир", "Фарҳод ва Ширин" каби 40 га яқин достонни исталган пайтда, тингловчилар хоҳлаган даражада ижро этиш маҳоратини эгаллаган. Айниқса, "Алпомиш" достони унинг энг севган ва мароқ билан куйлаган санъат асари эди. Бахши бу достонни исталган ҳажмда соатлаб, кунлаб, ҳафталаб айта олган. Чунки у таълим олган Булунғур достончилиги мактаби айнан ана шу қаҳрамонлик эпосини юксак даражада куйлаш билан шуҳрат топган эди.

Халқ бахшилари ҳамиша ўз элининг дардини, аламини, ташвишларини ижодида акс эттирган. Халқ жуда оғир ва мусибатли замонларда айнан уларнинг термаларидан тасалли топган, келажакка умид билан қараган. Фозил Йўлдош ўғли ҳам ана шундай бахшилардан эди. У атроф қишлоқларда меҳнат қилиб, 19 ёшида ўз она қишлоғига қайтгач ном қозонади. Элининг дардини термаларда баён қилади. Мозий саҳифаларидан ҳам маълумки, 1889-1908 йилларда юртимизда табиий офат рўй берган. Барча экин майдонларини чигиртка босган. Бу фожиадан азобга тушган бахши ҳамюртлари ташвишини "Чигиртка" термасида баён этади. Қашшоқлик авжига чиққан сари бахшининг ноласи ҳам чегара билмаган.

Аксига олиб чор ҳокимиятининг зулми ҳам ошиб боради. Халқнинг ташвишига-ташвиш қўшиларди. Кўп ўтмай Жиззахда бош кўтарган аҳоли тўпга тутилди. Бундай воқеалар Фозил бахшида янги-янги асарлар яратиш истагини туғдирган бўлса, ажаб эмас. Унинг "Мамлакатларим полвон", "Жиззах қўзғолони" каби кичик ҳажмдаги достонлари шу зайлда яратилган.

Фозил Йўлдош ўғлининг сермаҳсул ижод йўли бугунги ва келажак авлод учун ҳам катта ибрат мактаби бўла олади.

Ойдин САЙФУЛЛАЕВА,
ЎзМУ талабаси.

ҚАТРА

Ҳаёт суврати

Сайилгоҳдаги суратларни томоша қилиб юргандим. Бир сурат эътиборимни ўзига тортди. Фарзандини бағрига босган аёл сурати. Уни томоша қилиб тургандим, ёнидаги унга ўхшаган иккинчи суратга кўзим тушди. Унда бола етаклаб кетаётган аёл ва эркак тасвирланган эди. Ҳар икки суратнинг ҳам тагига "Ҳаёт" деган тагсўз битилган. Синчиклаб қарасам, бир рассомнинг икки асари экан. Уларнинг қошида беихтиёр ўйга чўмдим. Ҳа, ҳаёт мазмуни — фарзанд. Фарзанд ҳаёти ота-она билан тўкис ва бахтли кечади. Суратларга термулиб шундай ўйларга чўмиб ўтирардим. Шу пайт ёнимда сочлари елкасига тушган навқирон бир рассом йигит пайдо бўлдию рўпарамдаги очиқ жойга ўзининг картинасини ўрната бошлади. Анови суратлардан кўзимни узиб, янгисига боқдим. Қизиқ, унда ота-онасининг қўлларидан тортқилаб, олдинга қараб чопаётган шўх болакайнинг шодон сурати акс этган экан. Ёш рассом тагсўз ёзишни унутган чоғи. Балки бу суратнинг номи ҳам ҳаётдир. Ярқ этиб хаёлимга шундай фикр келди. Хаёлан суратга "Ҳаёт" тагсўзини ёзиб, кўз олдимга келтирдим. Ҳаёт сўзи, назаримда, энди бутунлай ўзгача мазмун касб этарди. Ҳа, ҳаёт рўпарамда олға интилаётган ўша митти болакай тимсолида юз очгандек бўлди...

Ҳидоят ОЛИМОВА

РАССОМ ХАНДАСИ

Ҳусан СОДИҚОВ чизган сурат.

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. *ISSN* 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилади.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-53-92, 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 **Тел-факс:** 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-367-374-81-53
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Тошкент — 8-370-383-97-53
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Элбек ЖУМАНОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.20

® — тижорат белгиси.

Адади: 16407 Буюртма — Г-55 2 3 4 5 6 7 8